Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 1 декабр | 40 (170)-сон

Давримизнинг давра суҳбатларида

МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИМ

Халқ иродасини ифода этган Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, қарорлар ижроси ҳаётимизда қанча кўп ўрин тутса, эркин ва адолатли жамиятимиз биз кўзлаган моддий-маънавий тараққиёт поғоналарига погонама-погона кўтарилиб бораверади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Тўғри, Конституциямизнинг мазмун-моҳияти теран. Унинг ҳаётийлиги—барчамизга бирдай ҳамнафаслиги, уни ҳис қилиб туришимиз, жамиятда инсон ва фуқаро сифатида мавжудлигимизнинг ҳуқуқномаси деб билишимиз, эътиқод-ишончимиз, унга муҳаббатимизгина ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Хўш, мамлакатимиз фуқаролари буюк мустақиллигимизни англаб етганларидай (бу жараён ҳам осон кечмади, албатта), Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тушунадиларми, бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ-тарғиботчиларимиз унинг ҳаётимиз қомуси эканлигини таҳлиллар асосида тушунтира олаяптиларми? Табиийки, қонунлар, дастурлар қанча адолатли, китоблар қанча улуғ бўлмасин, то кишиларимиз уларнинг мазмунини англаб, манфаатини ҳис қилмагунча маълум маънода бепарволикдан қутулолмай юраверадилар.

26 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу мавзу атрофида фикр юритилди, бунда қизғин ва қизиқарли баҳс-мунозараларнинг гувоҳи бўлдик. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари қатнашдилар. Суҳбатни академия ректори, юридик фанлари доктори, профессор А. Азизхўжаев олиб борди.

-Конституциямиз жамиятда чин маънода ишлаяпти. Умид билан келажагини қураётган халқимизга ишонч бағишлаяпти, — деди ўз сўзида А. Азизхўжаев — Бироқ, очиқ айтиш керакки, биз — ҳуқуқшунослар ҳали бу қомусий ҳужжатни умумий сўзлар билан таърифлашдан нарига ўтолмаяпмиз. Уни фуқароларга бобма-боб, сўзма-сўз чуқур талқин қилиб бориш ҳаммамизнинг зиммамизда. Ундаги ҳар бир модданинг асосида ётган қонунлар таҳлилига ҳуқуқшуносларимиз киришган эмаслар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнларда ўз моҳиятини муваффақият билан намоён қилмоқда. Буни юртимизнинг бугунги равнақи, тинч-осуда замину осмонимиз, халқимизнинг эминэркин, тотув яшаётганлигида яққол кўриб турибмиз. Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимиз, юксалишлар асосида улуғ конституциямиз турибди. Эндиликда олий қонунимизни жаҳон олимлари ўрганмоқда, ҳамдўстлик мамлакатлар, ўз конституцияларини ишлаб чиқишда унга мурожаат қилмоқдалар. Бир нарсага диққатингизни қаратмоқчиман, АҚШ Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган, бундай олиб қараганда, уни ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради деб бўлмайди, лекин ҳали-ҳануз АҚШ фуқаролари, ўз бош қонунини бутун онг-шуурларига сингдириб келадилар. Конституция уларнинг кундалик ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Катта-кичик масалалар, муаммо, келишмовчиликларни ҳал қилиш жараёнида бир-бирига мурожаат қилганларида, улар «Сиз менинг конституцион ҳуқуқимни...» деб гап бошлашади. Америкалик олим танишимдан бунинг сирини сўрадим. Шунда ҳуқуқшунос: «Бизнинг ютуғимиз шундаки, ўз Конституциямизни фуқароларимизга давлат рамзи сифатида бера олдик», деган эди. Чиндан ҳам байроғимиз, гербимизни кўрганда, мадҳиямиз янграганда кўнглимиздан кечган туйғулар Конституциямиз сатрларини тинглаганда ҳам уйғонади. Халқимизга ўз кўзи қорачиғидек яқин ва қимматли.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси прокурори муовини Б. Пўлатов Конституциямиз инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати эканлиги устида сўз юритди. Инсон ўз ҳуқуқларини билиши, англаши, қонунларга риоя қилиш билан боғлиқ масалаларга тўхталади: «Ҳар йили мамлакатимизда 50-60 минг атрофида турли жиноятлар содир қилинади, бу рақамларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини етарли билмасликларининг ҳам катта таъсири бор. Шу маънода олдимизда кўп вазифалар турибди, шулардан бири адвокатура хизматини юқори даражага кўтариш масаласидир. Афсуски, бу соҳада адвокатларимиз фаолияти халқаро миқёсдаги талабларга мутлақо жавоб беролмаяпти. Жамият ҳаётида адвокатларнинг мавқеини кўтариш ғоятда муҳим бўлиб турибди.

Аслида адвокат-ҳимоячилар ўз фаолиятини тўғри самарали ташкил қилиши учун айтайлик, қонун назоратчиси прокурордан кўра 10-15 чандон кўпроқ ҳуқуқий билимга эга бўлиши, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни мукаммал ўзлаштириши талаб этилади. Адвокатнинг билими саёз бўлса, у қандай қилиб ўзига мурожаат этган фуқаро ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади?»

Давра суҳбатида академия тингловчилари Конституция ва қонунлар мослигига доир ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Бундай суҳбатлар, ушбу мавзуга доир турли матбуот чиқишлари, ойнаи жаҳон кўрсатувлари фақат байрам арафасидагина эмас, Конституциямизнинг узлуксиз жонли фаолияти каби ҳамиша, ҳамма жойда ўтказилиб турилиши ҳаётимиз қомусига бўлган ҳурмат-муҳаббатимизни мустаҳкамлаб боришга хизмат қилади.

Дилором МАТКАРИМОВА

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.



Олий Мажлисимиз шу муҳташам бинода фаолият олиб боради.

МАҚСАД – ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З. Мунавваров билан суҳбат

Истиқлол шарофати ўлароқ асл қадриятларимизнинг маданий-маънавий ҳаётдаги муносиб мақоми тикланмоқда. Тарих учун ўта қисқа — етти йиллик муддатда бутун дунёда юксак қадрланадиган буюк ватандошларимиз — илоҳиётчи ва дунёвий алломаларнинг табаррук номларини улуғлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ишлар билан халқимиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

Айниқса яқинда кенг нишонланган муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий ва қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд саналари, улар шарафига тикланган ёдгорлик мажмуалари йўлбошчимиз маънавиятнинг бош ҳомийси эканини яна бир карра тасдиқлади. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ташкил этилиши эса халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги янги муҳим қадамдир. Биз мазкур жамғарма раҳбари шарқшунос олим, сиёсий фанлар доктори Зоҳидилло Мунавваров билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Зоҳидилло ака, сиз мутасадди бўлган янги жамғарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталсангиз.

— Маълумки, Ўзбекистон дунёвий демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. Бироқ, бу диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини инкор этишни англатмайди. Чунки соғлом маънодаги дунёвийлик ғояси динни асло инкор этмайди. Аксинча, шаклланаётган янги шароитларда дин, айниқса, Исломнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги муҳим ўрни ва вазифалари, унинг комил инсонни вояга етказишдек нозик ва масъулиятли ишдаги чексиз имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз, деб таъкидламоқда. Шу боис, маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган исломий илмлар тарихини ўрганиш ва тиклашга бу қадар жиддий эътибор берилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан тузилган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ўз фаолиятини юқорида тилга олинган эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратади. Давлатимиз раҳбарининг куни-кеча эълон қилингани «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Шу ўринда жамғарманинг дунёга келишига сабаб бўлган омиллар ҳақида икки оғиз айтиб ўтиш жоиз кўринади. Жамғарманинг тузилишига сабаб, аввало, нафақат мусулмон маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган Имом ал-Бухорийдек буюк зотнинг муқаддас ўзбек заминида туғилиб вояга етгани ҳамда унинг азиз хоки айнан шу ерда абадий жой топганидир. Айниқса, юртбошимизнинг буюк бобокалонларимиз ва, хусусан, Имом ал-Бухорийнинг мўътабар номларини тиклаш, халқимиз, қолаверса, бутун дунё мусулмонларига қайтаришга қаратилган шахсий ташаббуси билан ул зоти шариф шаънига улуғвор ёдгорлик мажмуи бунёд этилиши жамғармамиз тузилишига имкон яратди.

(Давоми 3-бетда)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 24-26 ноябр кунлари Эрон ва Покистон давлатларига ташриф буюрди.

Сафар давомида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Теҳронда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирини Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайид Муҳаммад Ҳотамий қабул қилди. А. Комилов Эрон Президентига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мактубини топширди. Вазирнинг Эрон ташқи ишлар вазири К. Ҳаррозий билан мулоқотларида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласига эътибор қаратилди. Томонлар бу борада Ўзбекистон ва Эрон муносабатларининг асосий йўналишларида ўхшашлик мавжудлигини қайд этдилар. Эрон томони Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ доирасида «олти қўшув икки» гуруҳининг кўчма мажлисини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Исломободда А. Комилов Покистон Бош вазири Наваз Шариф билан учрашиб, унга Ўзбекистон Президентининг мактубини топширди. Ўзбекистон ва Покистон ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ҳамда Сартож Азиз ўзаро мулоқотлар пайтида Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ва осойишталикни тезроқ қарор топтириш хусусида фикр алмашдилар. Покистон томони ҳам Тошкентда ўтадиган «олти қўшув икки» гуруҳининг кўчма мажлисида қатнашишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг бу икки мамлакатга ташрифи Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар ҳамда АҚШ ва Россия иштирокидаги «олти қўшув икки» гуруҳига аъзо давлатлар ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг кутилаётган учрашуви арафасида бўлиб ўтгани диққатни тортади. Зотан, Эрон ва Покистон ана шу гуруҳга аъзо давлатлардир. Халқаро кузатувчиларнинг хулосаларига қараганда эса, Эрон билан Покистон Афғонистондаги вазиятни ўзгартиришга таъсир эта олувчи мамлакатлар рўйхатининг бошида туради.

«Туркистон-пресс» НАА

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИ!

«Миллий тикланиш» газетасига 1999 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.

«МТ»га барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.

Келинг, бирга тикланайлик!

УШБУ СОНДА:

- «Жамият ва бошқарув» журнали меҳмонимиз — 2-бет
- Ҳадис илмининг султони — 3-бет
- Умр сарҳисоби — 4 бет

ОБУНА ҚИЗИЯПТИ

ХУШХАБАР

Бўз туманидан шошилинч телеграмма олдик. Унда шундай дейилган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЗ ТУМАНИДАГИ САИДА ЗУННУНОВА НОМИДАГИ МУАЛЛИМЛАР БИЛИМ ЮРТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИДАН 47 КИШИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА 1999 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИЛАР.

ЗИЁЛИ ГАЗЕТАМИЗГА РАВНАҚ ТИЛАЙМИЗ. ГАЗЕТА ВА ЎҚУВЧИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН.

Билим юрти раҳбари Тўлан НИЗОМ

Биз бир-биримизга таянамиз

«САДАҒАНГ БЎЛАЙ, ЯХШИЛАР!»

Ассалому алайкум ҳурматли таҳририят ходимлари. Умрим бўйи бирон марта ҳам таҳририятга мактуб йўлламаган эдим. Яқинда ҳаётимда рўй берган кўнгилсиз воқеа унутилмас фожиа мени қўлимга қалам тутишга мажбур этди.

Яккаю ёлғиз фарзандим Александр Дробахани бевақт, бемаврид ўлим орамиздан олиб кетди. Узим татар қизи бўлсам-да, тақдир тақозоси ила эллик йилдан буён меҳмондўст, меҳр-оқибатли, саховатпеша ўзбеклар орасида яшаб келаётирман.

Бахтимга саховатли ўзбек халқининг вакиллари, қаламкаш истеъдодлари бисёр фарзандларим — «Каттақўрғон тонги» рўзномаси ходимлари Каримжон Соатов ҳамда Саломат Ҳаққуловалар доимо омон бўлишсин. Уша машъум кунларда улар менинг ёлғизлигимни асло сездиришмади.

Тутинган ўғлим Каримжон — фарзандим Александрнинг жасадини Каттақўрғон шаҳридаги марказий шифохонадан уйимгача, уйимдан эса марҳумларнинг абадий қўналғаси — қабристонгача кузатиб қўйиб, барча дафн маросимларигача қатнашиб келган бўлса, тутинган қизим Саломатхон эса оғирлигимни енгил этиб, уй-рўзғор юмушларимга қарашиб турди.

Кўплар ёшларни оқибатсиз деб танқид қилишади. Бу фикрга мен мутлақо қўшилмайман. Негаки, улар айрим ёшлар сингари савдо сотиқ қилишмай, тижорат кетидан қувишмай, балки ёлғиз кексаларнинг дуои фотиҳасини, олқишини олиб муҳтожларнинг оғирини енгил қилиб келишмоқда. Уларнинг ота-онасига раҳмат. Бошимга тушган мусибат туфайли улар билан она-боладек бўлиб кетдик.

Уша фожиавий кундан бери ўзбек қардошларимнинг фарзандлари ардоғидаман. Илоҳим, ёлғиз Оллоҳим бу икки ёшнинг умрини узун, бахтини тўкис қилиб яратган бўлсин. Мен 82 ёшни қарши олдим: улар юз билан юзлашиб юрсинлар. Умрим тугагунича бу икки ёшга омонлик, соғлиқ тилаб қоламан.

Азизларим, воқеий ҳикоят сал нохушроқ бошланган бўлса-да, уни яхши тугатишга азму қарор қилдим. Дарвоқе, бўлиб ўтган воқеаларни эсласам, қароғимда севинч ёшлари портлайверади ва ўз-ўзимдан «Садағанг бўлай, яхшилар!» дегим келаверади.

Емонлик тез унутилади, яхшилик эса одамнинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолади. Ёлғиз қолган бўлсам ҳам яхши кишиларнинг шарофати туфайли тушкунликка тушмай қолганимдан жуда хурсандман. Камоли эҳтиром ила

Комилия ДРОБАХА,
Каттақўрғон шаҳри, Шавқий кўчаси, 27 уй, 19-хонадон.
Илтимос: Мақоладан фойдаланиш имкони бўлганда менинг номимга бир нусха газета юборишингизни илтимос қиламан.

Ҳар кимни шу кунларга етказсин.

«МУЛОҚОТ» ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ИШГА ОТЛАНДИ

Ўтган ҳафта «Мулоқот» жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Кенгаш йиғилишини унинг раиси Нажмиддин Комилов олиб борди.

Кенгаш раисининг ўринбосари Иброҳим Ғафуров «Миллий маънавият ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги» мавзуида маъруза қилди. Кенгаш жойларда бораётган ишлар борасида ўз аъзоларининг ахборотларини тингладди. 1999 йилга мўлжаллаб тузилган иш режаларини кенг муҳокама қилди.

Муҳокамаларда Рустам Жумаев, Ҳотам Абдураимов, Эркин Эрназаров, Хуршид Дўстмуҳамедов, Неъмат Аминов, Комил Муқимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

БМТ БОШ КОТИБИ КОФИ АНАН: БИЗ ОЖИЗ ЭМАСМИЗ

Бош котиб 1 декабр — СПИДга қарши Халқаро кураш куни муносабати билан мактуб йўллади. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Айрим одамлар СПИД хавфи ўтди, деб бизни бехавотир қилмоқчи бўладилар. Аммо фактлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Шу пайтгача тўла даволаш чоралари топилган эмас. Касаллик инфекциясининг тарқалиши бирон мамлакатда ҳам тўхтагани йўқ. Ҳозирча у 14 миллион кишини олиб кетди. У айниқса, қашшоқликда яшаётган халқлар бошига қулфат бўлиб ёғилмоқда.

Шунинг учун ҳам, БМТ дастури асосида бу касалликка қарши кураш ҳаётий заруратдир. Ишонч билан айтамизки, биз бу офат қаршисида ожиз эмасмиз... Айниқса, ёшлар бунда кўп таъсирчан ишга қодир».

ПОКИСТОНДА МЎЛ ДОН ЕТИШТИРИЛДИ

Покистонда бу йил 5,2 миллион тонна гуруч ҳосили олинди. Унинг 3 миллион тоннасини ташқарига сотиш мўлжалланади. Мамлакат бундан 800 миллион доллар фойда кўради.

ТУРКИЯ ВЕРТОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

Исёнчи Курд ишчи партиясининг ҳарбий гуруҳи шанба куни Туркиянинг Ироқ билан чегара яқинида учиб ўтаётган ҳарбий вертолётини ўққа тутиб, уриб туширган. Вертолёт қулаб тушиши оқибатида 16 аскар ҳалок бўлди. Курд ишчи партияси бунинг масъулиятини ўз бўйнига олди.

ИСРОИЛ ЖАНУБИЙ ЛИВАНДАН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚМОҚЧИ

Бир ўқ атрофида айланар дунё

Исроил ташқи ишлар вазири Ариэл Шарон ва яна бир қанча вазирлар Ливандан Исроил қўшинларини босқичма-босқич олиб чиқишни ёқлаб фикр билдирдилар. Фақат олиб чиқилаётган қисмлар ҳавфсизлиги тўла таъминланиши даркор.

ИЗЗАТ ИБРОҲИМГА СУИҚАСД

Ироқ инқилобий қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Иззат Иброҳимга 22 ноябрда Карбалода суиқасд рўй берди.

Ўшандан буён 39 киши ҳибсга олинди.

Иззат Иброҳим Карбалога Имом Ҳусайн мақбарасига зиёратга келган эди. У машинадан чиқаётганда одамлар тўдаси ичидан номаълум кимса иккита граната отган. Гранаталар портлаши натижасида бир неча одамлар ҳалок бўлди. Қотил шу заҳотиёқ ўлдирилди. Суиқасд масъулиятини ҳозирча ҳеч ким олгани йўқ.

«Жамият ва бошқарув» журнали — меҳмонимиз

ҲАММАБОП ЖУРНАЛ

«Жамият ва бошқарув» мамлакатимиздаги нашрлар орасида ўз ўрнини топаётган журнал. Ҳар уч ойда бир марта чиқадиган бу журнал дастлабки сонлариданоқ кўпчиликни қизиқтирди.

У Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг нашри бўлса-да, кенг ўқувчилар оммасига зарур, мазмунли мақолаларни кўплаб эълон қилмоқда. Мана, журналнинг навбатдаги — 1998 йилги 2 (4)-сонида босилган мақолаларнинг сарлавҳаларига бир эътибор беринг: «Ноҳукумат ташкилотлар ва халқаро тажриба» (Р. Жумаев), «Мустақиллик ва хусусий мулк» (Х. Азизов), «Банк ва мижоз» (Т. Қоралиев), «Умар Хайёмнинг инглиз мутаржимлари» (М. Эшонова), «Францияда кўппартиявийлик ва мухолифат» (Қ. Жўраев), «Чўлпон ва Фитрат» (Ҳ. Болтабоев), «Исломда давлатчилик» (М. Ражабова), «Бохабарлик ҳикмати» (А. Каримов)...

Журналда давлатчилик, иқтисод масалаларидан ташқари, тарихимизга доир салмоқли илмий-тадқиқотлар, ҳужжатлар ҳам ёритилмоқда. Шу сонда фарғоналик тарихчи олим Раҳматжон Арслонзода «Бутун халқ тан олган эди...» сарлавҳали мақоласи билан қатнашиб, Туркистон Мухторияти тарихига доир бир даста архив ҳужжатларини эълон қилган. Тарих фанлари номзоди Сотимжон Холбоев эса, ўз даврида «Тошкент жадидларининг отаси», деб улуғланган Мунаввархори Абдурашидхонов ҳақидаги «Фидойи» мақоласи билан иштирок этган. Журналда Мунаввархорининг «Хотираларимдан» асаридан намуналар берилганки, бу — ўқувчилар учун янгиликдир.

«Жамият ва бошқарув» — илмий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-тарихий журнал. Шу боис унда маънавиятимизнинг турли жиҳатларига доир материаллар босилиши табиий. Масалан, мазкур сонда филология фанлари номзоди Ғафуржон Сотимовнинг «Машҳури жаҳон аёллар» рубрикаси остида «Нуржаҳон Бегим» эссеси чоп этилган. Эсседа бобурий подшоҳ Жаҳонгирнинг иккинчи хотини Нуржаҳон Бегимнинг мураккаб, саргузаштларга тўла ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Уйлаймизки, бу асарни ўқиган журналхон ундан маърифий билимгина эмас, балки эстетик завқ ҳам олади.

Журналда тарихий ривоят, ҳикоят ва мазмунли латифалар ҳам мунтазам босилиб туради...

Шу кунларда «Жамият ва бошқарув»га обуна қабул қилинмоқда.

Обуна индекслари: 75221 (якка тартибдаги обуначилар учун); 75222 (идоралар учун).

Маҳмуд САЪДИЙ,
«Жамият ва бошқарув» журналининг масъул котиби

Келажагимиз ёшлар қўлида

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК: КЕЧА ВА БУГУН

МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ

Бизнинг энг катта ютуғимиз, бу — халқимиз тафаккурининг ўзгариб бораётганидир. Одамларимиз оламга очиқ кўз билан қарашни ўрганди, истиқлол имкониятларидан фойдаланишга, қаддини ростлаб, ҳақ-ҳуқуқини танишга киришди. Одамларимизда келажакка ишонч ҳисси, яратиш, қуриш ҳисси мустаҳкамланмоқда. Бу туйғу айниқса ёшларимизда ёрқин кўринмоқда. Ёшларнинг илғор қисмида бардам руҳ барқ урмоқда. Улар бугунги дунё сиёсатидан огоҳ бўлиш, тараққий этган мамлакатлар тажрибаларини тез ўзлаштириб олиб амалиётга тадбиқ қилиш учун интилмоқдалар. Бу одамни қувонтиради албатта. Демакки, бизнинг кутганимиз амалга ошмоқда, яъни схоластикадан, эски қотиб қолган коммунистик ақидалардан қутулган янги авлод етишиб келмоқда. Баъзан ёшларнинг чиқишларига қулоқ солганда, шундай туюладики, улар

Президент Ислом Каримов асарлари моҳиятини казо-казо олимлар, академиклардан кўра чуқурроқ англаб етмоқдалар. Президентнинг куюниши, дарди ва ниятларини теранроқ идрок этмоқдалар. Ёшлардаги самимият, жўшқинлик уларнинг тоза қалбларидан чиққан гапларда акс этмоқда. Албатта, мен ёш авлодни кекса авлодга қарши қўймоқчи эмасман. Эски авлод ичида истиқлолни жон-дили билан қарши олган ва унга сидқидилдан хизмат қилаётган чинакам миллатпарвар, ватанпарвар олимларимиз кам эмас. Модомики, янги тафаккурли кишилар тарбияланиб келмоқда экан, бунда, шубҳасиз бизлар тенг ва бизлардан ёши улуғроқ кишиларимизнинг тўғри қарашлари, юрак тафти ўз таъсирини ўтказган. Умуман, ҳаёт билан баравар қадам ташлайдиган, фидойи, жонкуяр одам ҳамма вақт руҳан ёш пешқадамдир.

Бу ҳол ижтимоий фан соҳасига назар ташлаганда аниқ кўзга ташланади. Айтмоқчиманки, ижтимоий фан мутахассислари, яъни тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунос ва иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, тилчиларнинг фаолияти, ҳаёти ва тафаккурида ҳам ўтган етти йил ичида катта ўзгаришлар юз берди. Бунинг яширадиган жойи йўқ. Шўролар тузуми айнан ана шу мафкура соҳасига жуда катта эътибор берар, бутун ижтимоий фанлар марксистик ғоялар, тоталитар тузумнинг шовинистик — буюк давлатчилик ғоялари билан тўлдирилган эди. Бу ғоялар энг нозик усуллар билан ичига ва фаол равишда одамлар онгига сингдирилган. Шунинг учун ҳам бу ғояларни одамлар миясидан чиқариб ташлаш жуда оғир кечмоқда. Буни қайта-қайта таъкидлашимизнинг сабаби шуки, мустақиллигимизга етти йил бўлган бўлса-да, аммо ҳануз эски ақидаларни гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарғиб этиб келаётган тарихчи ва файласуфларимиз бор. Улар ўзларини доно, «илм»ларини объектив, холисона илм деб, адолатпарвар деб ҳисоблайдилар.

Бунга мисоллар кўп. Бироқ, мен аввал ютуқлар хусусида гапирай. Ахир, ҳудога шукур, ютуқлар ҳам йўқ эмас.

Бу ютуқлар нималарда кўринади?

Биринчидан, буни тарихни янгича тушуниш, ҳаққонийлик принципи асосида ўрганиш, бир қанча қимматли манбааларнинг чоп этилишида кўрамиз. Тасаввуф таълимоти улуғ алломалар — Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳдуми Аъзам, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий асарларининг босилиб чиқиши Амир Темур фаолиятига оид икки буюк асар — Шомий ва Яздий қаламига мансуб «Зафарнома»лар, «Темур тузуклари»нинг таржима қилиниши манбашунос олимларимизнинг катта хизматидир. Амир Темур даври маданияти, тарихий давр хусусияти, соҳибқироннинг давлатчилик ғоялари ҳам олимларимиз томонидан яхши ўрганилмоқда. Бу ишда Б. Аҳмедов, А. Ўринбоев, Б. Валихўжаев, Т. Файзиев, Ҳ. Бобоев, У. Уватов каби олимлар фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон археологлари хорижий касбдошлари билан илмий текширишлар олиб бориб, қадимий маданиятимизнинг янгиянги саҳифаларини кашф этмоқдалар.

Айниқса, Россия империясининг Марказий Осиёни босиб олиш тарихи бутун даҳшатлари билан кўпдан-кўп ҳужжатлар, архив материаллари асосида ёритиб берилмоқда.

Мен бу ўринда таниқли олим Ҳ. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли китоби ва шунга ўхшаган бошқа тадқиқотларни назарда тутмоқдаман. Қизил империячиларнинг Россия Марказий Осиёни қўшиб олган, ўзбеклар ўз ихтиёрлари билан чор Россиясига қўшилганлар, маданият ўрганганлар деган сохта сафсаталари нақадар пуч эканлигини халқимиз билиб олмоқда. Шунингдек, асримиз бошидаги миллий озодлик ҳаракати, жадидчилик тарихи, истиқлол учун жон фидо қилган боболаримизнинг илмий-адабий мероси, қарашлари олимларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Мен буни алоҳида таъкидлашни хоҳлайман. Чунки бунда тарихчиларнинг ҳам, адабиётшунос ва файласуфларнинг ҳам ҳиссаси бор. Чунончи, Наим Каримов, Дилором Алимова, Шуҳрат Ризаев, Саидакбар Аъзамхўжаев, Бегали Қосимов, Абдуқодир Зоҳидов, Қамариддин Усмонов, Аҳмад Алиев ишлари салмоқдор бўлмоқда. Рус босқинидан кейинги давр тарихини чуқур ва холисона тадқиқ этиш мақсадида Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилганлигидан хабарларингиз бор. Ушбу марказ Фанлар академиясининг Тарих институти олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Марказ ходимлари ҳозир янги тарихни уч китоб ҳажмида ёзиб тугатдилар.

Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи», Муҳаммаджон Имомназаровнинг «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари», А. Эркаевнинг «Маънавият — миллат нишони», коллектив тайёрлаган «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар» китоблари қадимий маънавий қадриятларимизни тадқиқ этишга бағишланган бўлса, Ғайбулла Саломов билан Н. Отажонов ёзган «Жаҳонгашта «Бобурнома», Ф. Сулаймонова яратган «Шарқ ва Ғарб» китобларида ўзбек адабиёти, илм-фанининг жаҳон бўйлаб тарқалиши фахр билан ёритилган.

Ниҳоят фахр билан файласуфларимиз, сиёсатшуносларимиз ҳам фаоллашишга интилмоқдалар. Файласуфларнинг ишлари орасида мен Иномжон Раҳимовнинг шу йили босилган «Фалсафа» китобини алоҳида таъкидламоқчиман. Нима учун, мен албатта файласуф эмасман, аммо яхши асар мутахассис бўлмаган одамда ҳам қизиқиш уйғотади. Иномжон аканинг китобида мустақил фикрлар, ҳозирги замон фалсафасини ўз қарашлари билан ривожлантириш бор. Бу дадиллик, ижодкорлик, буни табриклаш керак. Айниқса муаллифнинг давримизга хос хусусиятларни фалсафий умумлаштиришга интилиши, янги фикрларни баён этгани кишини севинтиради.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўз истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Худди шундай ҳаракат ёш олимлар — Рустам Жумаев ва М. Жўраев, И. Эргашев ишларида ҳам кўзга ташланади. Улар сиёсат фалсафасини ишлаб чиқишга бел боғлаганлар. Ўзимизга хос ва мос давлатчилик тарихи ҳамда назарияси, ташқи ва ички сиёсатимиз масалалари ҳам бир қанча ишларда ўрганилди.

Ўйлаймизки, ана шулар асосида ўзимизнинг миллий фанимиз юзага келади. Мустақил Ўзбекистоннинг қиёфасини кўрсатадиган салмоқли тадқиқотлар яратилади.

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

ҲИКОЯТ

Бани Исроил қабиласида бир киши етмиш йил Оллоҳга тоат-ибодат қилди. Худо бу киши аҳволидан фаришталарни огоҳ этишни хоҳлаб, бир фариштани унинг ҳузурига йўллаб, дедики: «Бориб айт, шунча йиллик ибодати билан ул бандам менга лойиқ эмасдир». Оллоҳнинг бу гапини фаришта эгасига етказди. Шунда ул банда жавоб берди: «Биз ибодат учун яратилдик. Ибодат қилиш эса, бизга вожибдир». Фаришта Оллоҳ истиқболига қайтиб, деди: «Илоҳо, ул банданг не дегани ўзингга аёндир». Шунда Оллоҳ айтди: «Ул бандам менинг ибодатимдан юз ўгирмади, бас, мен ҳам ўз фазли карамим бирла ундан юз ўгирмасман. Эй фаришталарим, гувоҳ бўлинг мен уни мағфират қилдим».

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

ЧЎЛПОННИНГ НОМАЪЛУМ АСАРЛАРИ

Чўлпон таваллудининг юз йиллиги муносабати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Шоир юбилейи кенг нишонланди, асарлари китоб ҳолида чоп этилди. Ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

Улуғ санъаткорнинг «янги»дан топилиб, матбуотда босилаётган ҳар бир асари борки, илмий жамоатчилик, шоир ихлосмандлари томонидан ҳаяжон билан кутиб олиниши сир эмас. Чунки чанқоқ диллар улардан яна бир «мўъжиза», яна бир «кашфиёт», ҳеч бўлмаганда, янгилиқ кутади. Топилаётган асарлар адабиётимизни бойитиши, шоир ҳаётидан янги саҳифалар очиши, Чўлпон, умуман юртимиз тақдири кечган ўша талотўм замонининг айрим мураккаб воқеа-ҳодисаларини англашга, унинг бугун ҳам қоронғу қолаётган баъзи нуқталарини ёритишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Ўзбек ўқувчилари эътиборига биринчи бор тақдим қилинаётган Чулпоннинг «Туркистонда матбуот» мақоласи ва «Шарқ исёни» шеъри шундай асарлар сирасига киради, деб ўйлаймиз. Иккала асар ҳам Бокуда нашр этилган «Фуқаро фуюзоти» журналининг 1920 йил 1 сентябр санаси билан чиққан биринчи сонида озарбойжон тилида босилган.

Чўлпон мақола ва шеърининг Озарбойжон матбуотида эълон қилиниши 1920 йилнинг сентябр ойи бошларида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқларининг қурултойи билан боғлиқдир. Маълумки, Чўлпон ҳам бу қурултойда Туркистондан борган бир гуруҳ вакиллар қаторида қатнашган. Яқинда бир телекўрсатувда Чўлпоннинг қурултой йиғилишида котиблик қилгани ҳақида маълумот берилди.

Шу пайтгача бизга ўзбек журналистикаси тарихи ҳақида ёзилган илк асарлар сифатида Абдулла Авлонийнинг «Бурунғи ўзбек вақтли матбуотининг тарихи» («Туркистон» газетаси, 1924 йил, 295-сон) ҳамда Зиё Саиднинг 1927 йили чиққан «Ўзбек вақтли матбуотига материаллар» китоби маълум эди. Айниқса, кейинги рисола большевистик мафкура руҳида ўта бирёқлама ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек вақтли матбуоти тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Чўлпоннинг «Туркистонда матбуот» мақоласи эса ёзилиш санъасига кўра бу мавзудаги дастлабки иш бўлиши билан бирга, ўзбек вақтли матбуоти тарихида нашр этилган газета ва журналларнинг ўз даврида миллатимизга қай даражада хизмат қилганини совет ҳокимияти шароитида ҳаққоний ва холисона баҳолаган иш сифатида қимматлидир.

Улуғ шоир мақоласининг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўнгги сафарига доир муҳим маълумот ҳам келтирилган. Умуман, мақоладан синчков тадқиқотчи кўпгина янгиликлар топиши шубҳасиздир.

Тўлқин ТОҒАЕВ

Чўлпон

ТУРКИСТОНДА МАТБУОТ

Эски вақтларда: «Матбуот еттинчи давлатдир» дерлар эди. Бу сўз, бу даъво энди-да, аҳамиятини йитирмабдир. Бу кунда-да матбуотнинг аҳамияти буюкдир. Хусусан, Шарқ халқи бу кун матбуотнинг аҳамиятини тушунмишдир. Буюк инқилоб оламининг кетишидан бехабар ётган шарқлиларни уйғотмиш, қонсиз томирларига қон, «яшамак учун мубораза эдажак» муқаддас қон савқ этмишдир. Қамоқда (тутилган — Т. Т.) матбуотни ажнабийларга — хорижликларга махсус бир «шай» билан шарқлилар букун уни излар, топар, унинг устида мулоҳаза юритарлар. Оламнинг тугул, ҳатто шаҳарнинг ҳаётига-да кўзининг ичи билан боққан кўйли, кандли бу кун кўйнинг ташқарисида, йироқларда тантанали, муборазали ва ўзига ҳам тааллуқли бўлган ҳаётни билмоқ ва ўрганмоқ истаб таъқиб этадилар. Унинг кулоқларига эшитилган шаҳардан келган «насиҳатчилар»нинг «Кўйлининг ҳақи буюкдир»!, «Кўйли ўз ҳаққини уни эзганлардан олмалидир!» каби сўзлари шубҳалар-ла қоришиқ ширин ва ёқишиқли бир ҳолда унинг кўнглига, юрагига таъсир этадилар. У матбуотни танир ва таъқиб этар. Фақат инқилоб сабаби-ла ўзига халқнинг, амали ва кўйлининг муҳаббатини жалб қилган матбуот на ҳолдир?

Бизнинг мақоламиз шу саволга жавоб беражакдир.

Туркистонда матбуотнинг на ҳолда, на даражада ўлдиғини имкон борича кўрсатармиз.

ФЕВРАЛ ИНҚИЛОБИГА ҚАДАР ЧИҚҚАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР

«Хуршид» — тараққийпарвар, мўътадил маслакли газета. Муҳаррири эндиги «Шарқ қурултойи» аъзоси ва Туркистоннинг машҳур кўҳна жамоат ходими Мунаввархори Абдурашидхондир. Бу газета икки ой қадар давом этиб, 15-номердан шу ҳукумат тарафиндан бекитилди.

«Тараққий» — тараққийпарвар бир газета бўлиб, муҳаррири ички Русия тотарларидан Исмоил Обидий Йўлдош эди. Ўктябр инқилобидан сўнгра бу киши сўл сусиёлист революсионер фирқаси вакили ўлароқ дохилия қўмиссори мансабинда бўлинди. Икки ой қадар давом этгандан сўнгра ҳукумат тарафиндан бекитилди.

«Осиё» — тараққийпарвар бир газета бўлиб, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров эди. Бир ярим ой қадар давом этгандан сўнгра ҳукумат тарафиндан бекитилди.

«Шуҳрат» — тараққийпарвар газета, муҳаррири — Абдулла Авлоний. Авлоний йўлдош Туркистоннинг машҳур шоирларидан бўлиб, «Ҳижрон» таҳаллус этар. Яқин замонларда Русия ижтимоий шўролар жумҳуриятининг Афғонистонда Ҳирот вилояти қўнсули эди. Бу кунларда қайтиб келди. Икки ой қадар давом этгандан сўнгра ҳукумат тарафиндан бекитилди.

«Тужжор» — қора маслакли тижорат газетаси. Ношири Сайидазимбоев эди. Уч-тўрт ой қадар давом этгандан сўнгра моддий жиҳатдан қисилароқ ёпилди.

Мазкур газеталарнинг ҳаммаси ўлка марказида Тошкандда чиқмишлардир. Сиёсат ижборий ила бир неча йил Туркистон газетасиз қолгандан сўнгра (ҳукуматнинг расмий газетасини газета ўрнида ҳисобламайман) Бухорода форсча «Бухорои Шариф», ўзбекча «Турон» газеталари чикди. Аввалгисининг муҳаррири қофқосияли бир ёзувчи эди (агар янглишмасам Жалол Юсуфзода эди). Булар ҳар иккиси икки-уч (ой—Т.Т.) қадар давом этгандан сўнгра, Бухоро рус сиёсий агентининг ҳийла ва дасисалари ила Бухоро ҳукумати тарафиндан бекитилди.

Сўнгра Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журнали чиқдики, буларнинг муҳаррири ва ношири ўтган йили Бокуга сафарида Бухоронинг Қарши шаҳрида беклар ва муллолар тарафиндан рафиқлари ила баробар хоинона суратда шаҳид этилган Маҳмудхўжа устод Беҳбудий эди. «Самарқанд» газетаси бир-икки ой давом этгандан сўнгра моддий жиҳатдан заифлашиб қолгани туфайли ҳафталик журналга айлантирилиб, «Ойина» исми берилди. Буларнинг ҳар иккиси туркча эдилар. «Ойина» икки йил қадар давом этиб, моддий жиҳатдан сиқилароқ ёпилди. «Ойина»нинг давоми вақтинда Туркистонда бирдан икки газета чиқди:

«Садои Туркистон» Тошкентда тараққийпарвар, севимли бир газета бўлиб, ҳафтада икки-уч дафъа нашр қилинар эди. Тили ўзбек шевасида, муҳаррири ва ношири маъруф ҳуқуқшунос жамоат ходими Убайдулла Хўжаеф эди. 80 нўмерга қадар давом этиб, моддий жиҳатдан сиқилароқ ёпилди.

Бу кунги Туркистоннинг кўпгина ёш муҳаррирлари бу газета воситасила етишмишлардир. Бу газетанинг ёшларга хизмати буюкдир.

«Садои Фарғона» (Фарғона маркази Қўқон шаҳрида) — тараққийпарвар газета, муҳаррир ва ношири ҳозирги «Шарқ қурултойи» аъзоси Обиджон Маҳмудоф эди. Бу газета 126 нўмерга қадар даъвом этиб, моддий жиҳатдан сиқилароқ ёпилди. Бунинг бир неча нўмери чиққан, русча таржимаси («Ферганской эхо») бор эди.

«Олош» (Тошкентда қирғиз-қозоқ шевасинда) тараққийпарвар, сусиёлистликка мойил бир газета эди. Муҳаррири Кўлбой Туғусоф бўлиб, феврал инқилобиндан бир неча ой ўтгач, моддий ва маънавий жиҳатдан сиқилароқ ёпилди.

«Ал-ислоҳ» (журнал, Тошкентда, туркча) муҳаррири Абдураҳмон Сайёҳ эди. Бунинг маслаги бошда мутаассиб, сўнгра ҳур ва энг охирида бобийлик ношири бўлди. Ҳурриятдан сўнг бироз давом этуб, маънавий ва моддий жиҳатлари сабаби ила бекитилди.

ШАРҚ ИСЁНИ

«Жаҳонлари йиқуб,
ёқуб галан ул
Надир?», дея сўраюрсанг,
гўзалим,
Сийнасинда ўлим тўлу,
қон тўлу
Амалимдир; ҳайди,
гедуб гўралим,
Йўлларинда гула-гула
ўлалим!..
Эски дунё унинг пойи
алтинда
Қонли ёшлар
дўка-дўка оғлаюр,
Умидини шайтонлара
боғлаюр;
Боқ, кандиси, бўғилиюр
ол қонда!..
Бўғул, бўғул, ол
қонларнинг ичинда,
У қонлари кандинг тўкдунг,
олчоқ Ғарб;
Бу гун Араб, Ҳинд,
Усмонли ва Чинда,
Ҳар тарафда бағирирлар:
«Сўнгги ҳарб!»
Золим Ғарб!
Бу сўнгги ҳарб, қатъий
ҳарбдир, қолдирир
Шарқ устидан сенинг
олчоқ алингни;
Гелан «Шарқнинг
исёни»дир, олдирир
Маҳкумлара ғасб
эдилмиш ерини.
Хароб ўлмиш элини.

«Жаҳонлара оташ сирпан»,
қон сочан
Кимдир», дея
сўрарюрсанг, малагим,
Жаҳонлара оташ сирпан,
қон сочан —
Шарқ исёни!
Ҳайди, биз-да
гедалим,
У шарафи биз-да алда
эдалим!..

Туркистонли ЧЎЛПОН
1920 йил 28 август. Боку.

ЛУҒАТ

1. галан — келган;
2. тўлу — тўла;
3. ҳайди — кетдик, қани, келинг;
4. гедуб гўралим — бориб, кетиб кўрамиз;
5. алтинда — остида;
6. оғламоқ — йиғламоқ;
7. канди — ўзи;
8. ол — қизил;
9. қолдирмоқ — кўтармоқ, йўқотмоқ;
10. ал - қўл;
11. сирпан — сочган, пуркаган, сачратган;
12. алда эдмак — қўлга киритмоқ.

Табдил, луғат ва изоҳлар
Т. ТОҒАЕВники.

Турмуш йўриқлари

ҚАРИНДОШ ҚАДРИ ҚАЧОН БИЛИНАДИ?

Яқинда бироз шамоллаб касалхонада ётиб даволанишга тўғри келди. У ерда роппа-роса ўн олти кун муолажа олдим. Бетоблик одамни гилос шохидай мурт қилиб қўяркан. Кўнглида неки изтироб, ғам-ташвиш ёки дарду аламлари бўлса, бари-бариси юмшоқ мевадай тўкилиб тушаверяркан.

Мен айнан шундай одамлар, ҳаётда кўп машаққатларни бошидан кечираётган ва ҳар қандай қийинчиликни метин ирода билан енгишга интилаётган матонатли кишиларнинг суҳбатида бўлдим.

Кечга яқин бемор хонасида уч-тўрт киши гаплашиб ўтирардик. Шу пайт йигирма ёшли Хайрулла исмли йигит ўйчан қиёфада кириб келди. Кириб келди-ю тўғрисидаги каровatга ўтириб, эгик бошига қўлини тиради. Сўнг ўзини ростлаб, ғалати саволлар бера бошлади.

— Нега, мен доим кимларгадир ортиқчалик қиламан? Касал бўлсам, ўз истагим билан бўлган эмасман-ку. Бегона азобласа, чидардим, бегона юрагимни емирса, чидардим. Лекин ўз жигаримнинг бераётган азобларига қандай чидашим мумкин? Улар менга дангаса, қўлингдан ҳеч иш келмайди, дейишади. Чидаёлмай ўзимни ё уларни бир нима қилиб қўймоқчи бўламан. Лекин яримта жон бўлиб қолган онамни ўйлаб аранг ўзимни тияман. Улар онамга маломат қилишади. Эрингдан сўнг сенларни биз боқяпмиз, мана шу ҳовли бизларга тегишли дейишади. Яна чидаёлмай, кўз олдим қоронғулашиб, асабларим чарсиллаб кетади. Онамнинг: сен менинг ёлғиз боламсан, бир нима бўлиб қолсанг, мен не қиламан, деган илтижоли гаплари мени алам отидан туширади. Ахир биз яшаётган ҳовли алохида бўлса, уни отам раҳматли пешона тери билан қурган бўлса, у вафот этгач, нега энди уларники бўлиши керак? Нега? Бизлар одам эмасмизми? Бошқа қаердан бошпана топамиз? Бизга бошқа қаер ватанлик қилади?

Билишимча, Хайрулла босиқ ва содда бола эди. Ҳар қандай ноҳақликка учраса ҳам, ўзини боса биларди. Лекин у ҳозир кўзига тўлган милт-милт ёшни тўхтатишга ожизлик қилди. Ўзини аранг босиб, шундай деди:

— Сизларга айтмаслигим керак эди. Лекин айтаман. Бунақа изтиробни ичимда ортиқ сақлай олмайман. Қариндош-жигар - ўз тоға-ю амакиларим, аламлиси, уларнинг фарзандлари кўнглимизга болта уришаяпти. Нега шундай? Нега? Ҳали ҳеч кимдан шу саволга жавоб ололмадим. Билсангиз айтинг, нега шундай, ахир?

Хайрулланинг бу саволларига бирон нима деб жавоб бериш ерни жойидан силжитишдай мушкул иш эди. Агар у нега қуёш фақат кундузи нур сочади, деб сўраганда ҳам бунчалик қийналмаган бўлардик. Лекин унга икки оғиз фикр билдиришга ботинолмасдик. Тўғрироғи, балки бунга қурбимиз етмасди. Университет толиби, қолаверса, газета мухбири бўлганим учунми, шерикларим «бир нима дермикан» деган маънода менга кўз тикишарди. Йўқ, мен соқовдай бўлиб қолдим. Мияда турли фикрлар ғувиллаб айланар, аммо уларни бир ерга жамлаб ифодалашга кучим етмасди.

Қумликда фақат заррачалар бўлмас экан. Яхшилаб элакдан ўтказиб, разм солинса, майда тошчалари борлиги кўринади.

Сариғдан келган, гавдаси спортчиларга ўхшаш Ҳасан исмли йигит ичимизда дадилроқ чиқди. У стулини Хайрулла ўтирган каровat ёнига суриб аста гап бошади.

— Сенга бир гапни айтай, ўзинг хулоса чиқар. Отамни тириклигида бошига кўтарган, яқин дўст-биродарлардай борди-келди қилиб, битта дастурхон атрофида кўнгил ёзиб ўтирган одамлар нобуд қилишди. Отам каттагина жойда раҳбар эди. Бир кун кечқурун яқин танишининг тўйидан келди-ю, ошқозон оғриғига дучор бўлди. Шифокорлар отамга кимдир ғаниимлик қилиб, кислота ичириб юборишганини, аҳволи эса жуда оғирлигини яширмай айтишди. Уларнинг касаллик билан тинимсиз олиб борган кураши кор қилмади. Давосиз дардга айланди қолди. Отам бормаган жой — Хитой ҳам қолмади. Москва ҳам. Дарахт қуригач, қайта кўкартириб бўлмас экан. Беш йил аранг яшаб, азоб чекиб оламдан кўз юмдилар. Биласанми, укажон, - деди Ҳасан ака Хайруллага маюс тикилиб - отам қайтиш қилмасдан аввал Ҳусаним билан бир институтда ўқирдик. Опамиз эса бошқа институтда таҳсил оларди. Отамнинг жони узилмасидан бир кун аввал кечқурун ётоқхонада тушимга кирдилар. Тушимда дадам болажонларим, мен кетяпман, отам чорлаяптилар деб илҳақ сўзлардилар. Ўша кун кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Дарҳол кийиниб Ҳусан билан уйга жўнадик. Ҳовлига киришимиз билан озиб адо бўлган онамизга кўзимиз тушди. Отамизнинг аҳволи қандай, ойижон, дедик. Отангиз сизларни кутаяптилар, болаларим, дедилар. Ичкарига шошилиб-шошилиб кирдик. Отам ичкари уйда, ўша ярим жон, нимжон-нимжон, ўйчан-ўйчан ҳолатда, гўё кимнидир келишига интизордек эшикка термулиб ётардилар. Аҳволингиз яхшими, дадажон, - дедик кўзимизга ёш келиб. Йиғламанг, сизлар менинг ишонганимсизлар. Қолган умримни сиз давом эттирасиз, ўғилларим, дедилар базўр овоз чиқариб. Сўнг гўё биров келишини истагандай мўлтираган кўзларини эшикка томон тикдилар. Амакинг билан аммангга бориб айтинглар, бир келиб кетишсин. Отам илтимос қилди, денглар, - дедилар пиёладаги чойдан базўр хўплаб. Ўша заҳотиёқ қариндошларникига чопиб кетдим. Амакимникига борсам, ичкари уйда ёнбошлаб чой ичиб ўтирган экан. Амаки, отам оғирлашиб қолдилар, сизни йўқлаяптилар, олдиларига бораркансиз, — дедим. Амаким чўнтагидан нос идишини чиқариб, оғзига нос ташлади. Кейин талқон ютиб гапирган кишидек, «бориб айт, кечга яқин борарман», деди.

— Амаки, дадам илтимос қилувдилар, ҳозир бораркансиз,— дедим ялиниб. Амаким жавоб бермади. У ердан жабрланган боладек, чиқиб, тўғри аммамникига бордим. Аммам кўлим бўшаши билан етиб бораман, деб чиқариб юборди. Ҳеч қачон ўша кундагидай хўрлигим келмаганди. Уйга кириб келишим билан отам мендан жавоб кутиб кўзимга қарадилар. —Отажон, ҳозир келишади.. келишяпти, дедим. Отам барибир эшикдан кўзларини узмасдилар. Ўша куни хуфтонда узилди. Уйимизга маҳалла, яқин-йироқ одамлар йиғила бошлади. Амаким ҳам, аммам ҳам эл қатори кириб келишди. Шу куни чинданми ёки одамлардан уялибми, «вой акажон, вой жигарим» деб фарёд кўтаришди. Аканинг қадри ўлгандан сўнг билинаркан-да, дедим ички алам билан. Аммо бу гапни ўзимдан бошқа ҳеч кимга эшиттирмадим.

Жаноза одамлар қуйилиб келишарди. Келган кишилар нималарнидир пичирлашар, ҳар замон, ҳар замонда яхши инсон эди, дея бир-бирларининг гапини маъқуллашарди. Бир кишининг «отаси кетди, энди анови она сути оғзидан кетмаганларнинг ҳоли вой бўлади» деган пинҳона гапи юрагимга ўқдай санчилди. Мен жим тураолмадим.

— Амакижон, — дедим секин, отамнинг ўлгани рост. От ўлди, эгари қолди. Биз ўғиллари тириқмиз. Отамизнинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди.

Ўша киши бошини ерга эгиб, ҳовлидан чиқиб кетди. Куннинг ярми қоронғу, ярми ёруғ деган гап бекор эмас. Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланяпман. Ўз автобусим бор. Одамлар орасида ҳурматим жойида. Лекин барибир отамнинг сўнгги кунлари, эшикка илҳақ термулиб яқинларини кутганлари ёдимдан кетмайди. Қариндош деганнинг, жигар деганнинг қадри қаерда эди, деб ўйлаб ўйимга етолмайман,. Аммо энди ҳаммаси бошқача. Мен ота бўлдим. Отамнинг ушалмаган орзу-умидларини рўёбга чиқараман. От ўрнини той босади, деган нақл қон-қонимга сингиб кетган.

Суҳбат узоқ давом этди. Ҳасан ака жўяли-жўяли гапирди. Назаримда, Хайрулла саволларига жавоб топаётгандай тобора енгил нафас оларди... Балки у ҳам ўзини ҳали той эканлигини, вақти келиб кучли отга айланишига ишонгандир. Ўшанда мен Ҳасан акага ўхшаган ақлли ва матонатли инсонлар ҳаётда жуда-жуда кераклигини англаб етдим.

Тоҳир ШОМУРОДОВ,
«МТ мухбири

Косонсойлик Саломатхон Насимова бу йил 90 баҳорни қаршилади. Суратда: ая ўғил-қизлари даврасида

Маҳмуд Кошғарий:
ИЛТИМОС, АСАРИМНИ ТЎҒРИ ИЗОҲЛАНГЛАР

Ҳурматли тилшунослар, мен бундан тўққиз юз йил илгари «Девону луғатит турк» асаримда, ҳали туркий тил қоидалари шаклланмаган бир пайтда келажак авлод ўн биринчи асрдаги туркий сўзларни тўғри ўқиб, тўғри ёзишлари учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Тўрт марта таҳрир қилиб туркий сўзлар талаффузи ҳақида имкон борича аниқ маълумот қолдирдим. Кечаю кундуз қишлоқма-қишлоқ юриб туркий сўзларни йиғдим, халқ қўшиқ ва мақолларини тўпладим. Араб тилшунослигидаги атамалардан ижодий фойдаландим. Чунки туркий лисоний терминлар ҳали шаклланмаган эди. Сизлар эллик йилдан бери асаримни асл нусхадан ўқий олмасангиз, майли, аммо мен ёзмаган нарсани Маҳмуд Кошғарий ёзган деб менга туҳмат қилманглар. Мен худо олдидаги жавобгарлигимни англаганим учун туркий тил ҳақида тўғри маълумот беришга ҳаракат қилдим. Фақат шубҳаланган жойларимдагина валлоҳу алам бис савоб, яъни худо билгучидир, деб ёздим, холос. Аммо сизлар мен ёзмаган нарсани менга тўнкаб келаяпсизларки, бу гуноҳи азим. Сизлар менинг асаримни нотўғри изоҳлаб, хато шарҳлаб ёзмаган нарсани ёзган деб биринг фан арбоби, иккинчингиз фан доктори, учинчингиз фан номзоди бўлдингиз. Айримларингиз халқаро мукофот совриндори бўлдингиз.

Майли, бу даражаю совринлар яхши кунларингизга ярасин. Аммо энди тўғри гапни ёзинглар. Болачақангизни ҳалол билим бериш билан боқинглар. Дарс берганингизда ҳам мақола ёзганингизда ҳам ҳадеб Оврупо олимларидан бўлар-бўлмасга иқтибос олавермай, ота-боболарингиз ёзиб қолдирган мероснарни ўқишга ҳаракат қилинглар. Улар тилимиз ҳақида ноёб маълумотлар қолдирганлар. Энг асосийси, улар шу тил вакилларидир. Шунинг учун улар ёзиб қолдирган маълумотлар тўғри ва ҳаққоний, Оврупо олимлари туркий тил хусусиятини изоҳлашда ўз тиллари табиатидан келиб чиққанлари учун хулосалари мунозарали. Мен «Девону луғатит турк»да эски ўзбек тилининг Туркистон шоҳобчасига яқинлигини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Сизлар менинг асаримни «улуғ»ларни сўзига кириб ҳамма туркий халқлардан узоқлаштириб, ноаниқ, мавҳум белгилар билан ўз тилларингизга ағдардинглар. Натижада уни на қирғиз тушунади, на туркман ўқий олади, на ўзбек талаффуз қила олади. Сизлардан ўтиниб сўрайман, бирор нарса ҳақида ёзмоқчи бўлсангизлар, масалани тарихига қаранглар, мозийга қараб иш тутинглар. Шунда сизни ота-боболарингизнинг руҳлари қўллаб қувватлайди, адашмайсиз. Сизлар славян халқларининг сен тарихга ўқ отсанг, тарих сенга замбарак билан жавоб беради деган ҳикматли сўзларини эсдан чиқариб қўйдингиз. Натижа кўриб турганингиздек қайғули, ёзган аксар ишларингиз нотўғри. Ота-боболарингиз ёзган асарларни асл нусхада ўқий олмасангиз, лоақал мустақил фикрлашга ҳаракат қилинглар. Мустақил фикрлаш ўзлигингизни англашга ёрдам беради, кам хато қиласиз.

Маҳмуд Кошғарий илтимосини оққа кўчирувчи
Эргаш УМАРОВ

ФАНЛАР МАЛИКАСИНИНГ МАЛИКАСИ

«Омад уни қабул қилишга тайёр одамнинг ҳузурига боради», дейишади. Маъсума опа Тўлаганова омад билан юзма-юз бўлишга тайёр аёллардан. У киши математика фани бўйича мамлакатимизда биринчи бўлиб фан доктори илмий даражасига эришган.

— Дадам раҳматли зиёли одам эди. У кишининг бир ўгитлари ҳамон ёдимда: «Ўқинглар, билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди». Игна билан қудуқ қазиш қанчалик оғир бўлса, илмда қилинган меҳнат ҳам шунчалик залворлидир. Ҳаётда энг оғир нарса хўрлик. Меҳнат мени шу хўрликдан бегона қилиб келди — дейди опа биз билан суҳбатда.

— Аёл деган сўзнинг ўзи унинг нозик елкаларида қанчалик оғир юк, масъул вазифа борлигини англатиб туради. Уйда бека, фарзандларига она, фанда олима бўлишликни қандай эплагансиз?

— Уйқудан кечиш эвазига сариштали аёл бўлдим, меҳнатим эса мени олима қилди. Тинимсиз изланиш, касбга фидойилик гаровида 1963 йили математика фанлари номзоди, 1989 йили эса фан доктори бўлганман. Аспирантурага ўқишга кириб «Алгебраик сонлар майдони учун Голдбах-Хуа-Ло-Ген проблемасининг ўринли бўлиши учун зарур шартни топа олганди. Маъсума Тўлаганова эса



Эйлер проблемасига оид баъзи бир тадқиқотлар» мавзуидаги ўта мураккаб, ечимини топиш қийин бўлган ишга қўл урганимда дўстларим мендан ўз ёрдам ва маслаҳатларини аяшмаган. Улардан бир умр миннатдорман.

Маъсума опа биз билан суҳбатда математика фанида эришган ютуқлари ҳақида жуда содда қилиб, камтарона гапириб берди. Аслида эса бу ишларнинг салмоғи фанда бир неча баравар каттадир. Жумладан Вильнюс университети ректори, академик Й. П. Кубулюс унинг ютуқлари ҳақида «А. Виноградов оғир артиллерия ишлатиб, элементлар усулини қўллаб, бу муаммони тўлиғича ечди ва бу иш билан «Олтинлар хазинасининг кўзини очди», — дейди.

— Сафарда бўлган чоғингизда фарзандларингиз ҳақида ўйлаб, фикрингиз ҳеч бўлинганми?

— Хаёлим бўлинган пайтлари бўлган. Фикризикрим эса сўзлаётган нутқимда, фанда бўларди. Боиси болаларимдан кўнглим тўқ эди-да. Ойим қарашарди. Қолаверса, турмуш ўртоғим Боқижон акам яқиндан кўмаклашган.

— Ишнинг муваффақиятли кечиши, оиланинг тинчлиги оила бошлиғига ҳам боғлиқ экан-да.

— Бўлмасам-чи, бунинг учун аввал аёл оила аъзоларининг ишончини оқлаган бўлиши керак. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир, деганди Л. Толстой. Эркак билан аёлнинг ҳуқуқи тенг. Аммо бу тенг ҳуқуқликни бетга солавермай, аёл бир поғона қуйироқ турса, оилада хотиржамлик, ўзаро ҳурмат бўлади. Нима бўлганда ҳам аёлнинг ақлига-фаросатига кўп нарса боғлиқ. Қолаверса, Боқижон акам ҳам илм одами. Тиббиёт фанлари номзоди. Шунинг учун бўлса керак, биз бир-биримизни доим тушуниб келганмиз.

«Математика фанлар маликаси, деган эди немис математиги Гаусс. Сонлар назарияси эса математика маликаси». Ўзбекистонда аёллардан биринчи математика фанлари доктори Маъсума опа табиатида баҳор, куз фаслларига мойиллик бор экан. Бу фасллар билан олима ўртасида ўхшашлик илғадим. Баҳор яшариш, янгиланиш фасли, куз эса тўкинлик. Улар оралиғида неча 40 кунлар бор. 40 йиллик пешона тери эвазига ушбу мавқе эгалланган десам, муболаға бўлмас. Америкада чиқадиган «Математикал ревю» журналида опанинг қатор мақолалари босилиб чиққач, хориж олимларидан кўпчилиги у кишини «Профессор» деб атай бошлашди. Журнал Маъсума опани ўз референти қилиб олди.

Аёл — уйнинг чироғи

Садоқатли ёр, 4 нафар фарзандига она, бугун келинлари, куёвлари даврасида севимли қайнона ҳамдир.

— Тўнғичим Севара — шоира, — дейди опа фарзандлари ҳақида фахр билан. — Рустамжон математика фанлари номзоди. Равшан аспирант. Кенжа қизим Дилдорахон — шифокор. Катта келиним Ферузахон тиббиёт фанлари номзоди. Маъмурахоним эса иқтисодчи. Барисидан хурсандман. Умрлари узоқ бўлсин ишқилиб.

Оналар дуоси ижобат бўлади, дейишади. Маъсума опа фарзандларига эзгу тилаклар тилади. Бу тилаклар унинг ўзига ҳам ёр бўлиши шубҳасиздир... Очиқ кўнгил, истарали ўз фанининг чуқур билимдони Маъсума опа Тўлаганова билан хайрлашарканмиз математика фанининг истиқболи ана шундай фидойи, меҳнаткаш инсонлар қўлида эканини кўриб Дунё шундай инсонлар билан гўзалдир деган хулосага келдик.

Дилором ИСМОИЛОВА

(Боши биринчи бетда)

Жамғарма мақсадларига ўтсак, Фармонда белгилаб қўйилганидек, Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб этиш, табиийки, унинг доимий диққат марказида бўлади.

Чунки, нафақат мусулмон, балки бутун дунёда Ислом оламининг фахри сифатида юксак эътиборга сазовор бўлган буюк бобокалонимиз ҳақида, барчага маълум сабаблар туфайли, унинг бевосита вориси бўлмиш ўз халқимиз етарли даражада маълумотга эга эмас эди. Ушбу бўшлиқни тўлдириш юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизда маънавий баркамолликка интилиш, аждодларимиз меросига ҳурмат, миллий-маънавий ва, шу жумладан, асл диний қадриятларимизга содиқлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Буларнинг барчаси эса, ҳар қандай инсоннинг ҳақиқий инсонийлигини белгиловчи асосий мезон — ватанпарварлик дея аталувчи олий фазилатнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Ўтмишсиз келажак йўқ, деган асрлар оша тобланган ҳақиқатнинг мағзини чақишга, биз интилаётган буюк келажакнинг маънавий-маданий қиёфасини тасаввур этишга кўмаклашади.

Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-Саҳийҳи» ва умумэътироф этилган яна бешта ишончли ҳадислар тўпламини ўзбек ва бошқа тиллардаги изоҳли ҳамда оммабоп нашрларини амалга ошириш ва тарқатиш ҳам жамғармамиз фаолиятининг бош йўналишларидан бири бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Имом ал-Бухорий томонидан тузилган ҳадислар тўпламининг ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши, шубҳасиз, катта ва ижтимоий-маданий воқеа бўлди. Бироқ, фикримизча, ҳадисларнинг ўзбекча таржимасини ўқиган китобхонлар, уларнинг асл моҳиятини ҳар доим ҳам тўғри идрок эта олмаяпти. Бунга сабаб мазкур нашрга илмий-тарихий изоҳлари илова қилинмаганидир. Натижада, оддий ўқувчи унда келтирилган ҳадисларнинг қайси бирлари халқимизнинг диний анъаналари асоси бўлиб келаётган Имом Аъзам (ҳанафийлик) мазҳабига тўғри келишини ҳам фарқлай олишга қийналмоқда. Бундан ташқари, Исломда «носих» («бекор қилувчи») ва «мансух» («бекор қилинган») деган тушунчалар бор. Улар ҳукми бекор қилинган Қуръоний оятлар ва ҳадисларга нисбатан ишлатилади. Ислом динининг биринчи ва энг асосий манбаи — Қуръони каримда ҳам ҳукми бекор қилинган мансух оятлар мавжуд бўлгани каби, ҳадиси шарифларда ҳам айнан шу каби ҳолатлар кўплаб учрайди. Лекин улар матнда сақланиб қолаверади. Мансух оятлар ва ҳадисларни таққослаш йўли билан ҳаётга татбиқ этиш учун эса фиққа (мусулмон ҳуқуқшунослиги) асосланган манбаларни чуқур билиш тақозо этилади. Оддий ўқувчи, албатта, бунга қодир эмас. Бу ҳол эса, намозхонлар ва, умуман эътиқодли кишилар орасида баъзан ўринсиз баҳс-мунозаралар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳадишунослик мактаблари тарихини ўрганиш ва тиклаш билан боғлиқ. Гарчанд ҳадислар туғилган замин Арабистон ярим ороли бўлсада, уларни жамлаб, ёзма тўпламлар шаклига келтиришдек машаққатли жараён, асосан, бизнинг Ватанимизда кечгани тасодифий ҳол эмас. Бу ердаги дунёвий ва диний илмлар тараққиёти буюк ҳадисшунос олимлар етишиб чиқиши учун қулай маънавий-маданий муҳит бўлиб хизмат қилгани тарихий ҳақиқатдир.

Ватандошимиз Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068-1142 йиллар) «Китоб ал-қанд фи маърифат уламои Самарқанд» («Самарқанд олимларини ўрганиш бўйича китоб») асарида баён этилишича, VIII-XII асрларда Моваройуннаҳрда 10 мингга яқин ҳадисшунос яшаган. Уларнинг мингдан ортиғи йирик ва таниқли ҳадисшунос олимлар бўлган.

Улар Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Фарғона водийсида шаклланган ўнлаб ҳадисшунослик мактабларида вояга етганлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон заминида фаолият кўрсатган ҳадишунослик мактабларини чуқур ўрганиш Жамғармамиз диққат марказида туриши табиий.

— Хартанг қишлоғи ҳам Имом ал-Бухорий шарофати ила мангуликка дахлдор бўлиб қолди. Бухорийни зиёрат қилишни ихтиёр этаётган юртдошларимиз сафи ортиб бормоқда...

— Дарҳақиқат, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ва унинг қадамжоларига ўзбекистонлик ва хорижий сайёҳларнинг зиёратларини уюштириш Жамғарма олдида турган энг эзгу мақсадлардандир.

Маълумки, мусулмон дунёсининг ўз муқаддас зиёратгоҳлари бор. Барчамизнинг қибламиз бўлмиш Каъбатуллоҳ жойлашган Маккаи мукаррама мазкур муқаддас жойларнинг чўққиси бўлса, Мадинаи мунавварадаги Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг азиз мақбаралари ана шу рўйхатда иккинчи мақомга қўйилади. Ундан сўнг бутун мусулмон дунёсига маълум ва машҳур ал-Қудси шарифдаги табаррук ал-Ақсо масжиди келади.

Мусулмончиликнинг бош қомуси бўлмиш Оллоҳ таолонинг каломи муборагн — Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида эътироф этилган «ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»ни таълиф этган буюк зот Имом ал-Бухорийнинг хоки поклари жой топган Самарқанддаги ёдгорлик мажмуи ҳам ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра Ислом дунёсидаги энг азиз ва табаррук зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Мусулмон дунёсининг Ўзбекистон ҳудудидаги диний қадамжоларга қизиқиши катталигини назарда тутиб, жамғармамиз маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг диний мазмунга эга саёҳатларини уюштиришни ният қилмоқда. Исломий илмларнинг қадимий марказлари, йирик илоҳиётчи ва исломшунос олимларнинг ватани ҳисобланмиш Самарқанд ва Бухоро сайёҳларнинг асосий зиёратгоҳларига айлантирилиши учун қулай имкониятлар яратилган. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, диний-тарихий сайёҳлик маршрутининг гултожи эса, Имом ал-Бухорийнинг муборак мақбара-мажмуаси бўлишига эришиш асосий мақсадларимиздандир.

— Жамғарма яна қандай лойиҳаларни амалга оширади? Унинг ривожлантирилаётган фаолият кўлами ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Фармонда қўйилган вазифалар Жамғарма фаолиятига кенг қамровли ёндашишни тақозо этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш Жамғара томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган энг улкан лойиҳалардан бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Чунки ҳозиргача сақланиб қолган қўлёзмалар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг бой давлатлар қаторига киради. Мамлакатимиздаги илмий, ўқув ва маданий-маърифий муассасаларда жамланган қўлёзма ва бошқа нодир босма манбалар сони 100 минг нусхага етади. Бундай катта миқдордаги қўлёзмалар ва ноёб манбалар хазинаси дунёнинг 5-6 мамлакатидагина мавжуд холос. Бироқ, таассуфки, мавжуд қўлёзмаларни сақлаш шароити ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш замон талабларига жавоб бермайди. Мустақиллик мафкурасини яратиш, Ватанимизнинг халқаро обрўсини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшадиган ҳамда миллий ғурур туйғуларининг битмас-туганмас манбаи бўлган ўзбек халқининг бебаҳо қўлёзма меросидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қўлёзма ёдгорликларни ўрганиш ишида муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, уларнинг мутлақ кўпчилиги, айниқса, исломий илмлар билан боғлиқ қисми, ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашни истардик, Ўзбекистондаги қўлёзма ёдгорликлар орасида дунёнинг бошқа фондларида мавжуд бўлмаган ноёб асарлар анчагина. Уларнинг ичида илм аҳлига ҳозиргача умуман маълум бўлмаган ёдгорликлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Халқаро ҳамкорликни тақозо этадиган ушбу хайрли иш умумдунё цивилизациясини янада бойитишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Умумбашарий аҳамиятга молик Ўзбекистондаги ёзма илмий-маданий бойликнинг умрбоқийлигини таъминлаш зарурати ўзбек халқи қўлёзмалар мероси маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш вазифасини олға сурмоқда.

Қўлёзмалар ва бошқа нодир нашрлардан ташқари, электрон кутубхона келажакда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона водийсидаги мусулмон маданиятининг дурдоналаридан бўлмиш меъморий-тарихий обидаларнинг электрон тасвирларини ҳам қамраб олиши мумкин. Бу каби лойиҳаларни амалга оширишга турли-туман халқаро, айрим мамлакатларда тузилган нодавлат ва хусусий илмий-маданий жамғармалар ҳамда марказлар катта қизиқиш билдираётгани, уларнинг молиявий таъминотида иштирок этаётгани Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолияти доирасида уни муваффақиятли амалга оширишга умид бағишлайди.

Ўзбекистондаги қўлёзма манбалар ва тарихий-меъморий обидаларнинг компьютерлаштирилган маркази ва уларнинг узвий қисми бўлмиш ўзбек халқининг тарихи ҳамда бой маданиятини «Интернет» каби ахборот тизимлари орқали халқаро миқёсда тарғиб қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири нашр ишлари, жумладан, халқаро аҳамиятга молик диний-тарихий ёзма обидаларнинг факсимил, репринт ва илмий нашрларини амалга оширишдан иборат бўлади. Ўзбекистонда халқаро аҳамиятга молик кўплаб диний-тарихий обидалар мавжуд. Қуръони каримнинг илк ёзма нусхаларидан бўлмиш, айни кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланаётган Усмон Мусҳафи уларнинг гултожидир. Ушбу муқаддас ёдгорлик билан маҳаллий ва дунё жамоатчилигини яқинроқ таништириш Усмон Мусҳафининг янги факсимил нашрини амалга оширишни тақозо этмоқда.

Маълумки, унинг биринчи факсимил нашри 1905 йилда амалга оширилган эди. Эллик нусхада босилган Усмон Мусҳафи рус императори томонидан ўша даврнинг нуфузли давлат арбоблари ва йирик кутубхоналарига тақдим этилган ёки сотилган. Рус истилосигача Самарқандда сақланган Усмон Мусҳафининг асл нусхаси атиги 100 олтин рублга «сотиб» олингани ҳолда, Писарев томонидан амалга оширилган мазкур нашрнинг ҳар бир нусхаси 500 олтин рублга тенг нархда сотилган. Яна шуни алоҳида айтиш жоизки, мазкур нашрни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида 400дан ортиқ турли хатоларга йўл қўйилган. 1981 йилда АҚШнинг «Ҳайдарабад Ҳаус» нашриёти айнан Писаревнинг факсимилесини, ундаги барча хатолар билан биргаликда иккинчи марта нашр этган. Фикримизча, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолияти доирасида Усмон Мусҳафининг Тошкентдаги нусхаси факсимил нашри амалга оширилса, бу бутун дунё мусулмонлари учун бебаҳо туҳфа бўлади.

Усмон Қуръонидан ташқари, Ўзбекистонда халқаро аҳамиятга молик яна кўплаб ёзма диний-тарихий обидалар сақланмоқда. Уларни илмий нашрларини амалга ошириш маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишларга қўшилажак амалий ҳисса бўлиши билан баробар, халқимизнинг маънавий-маданий ва илмий-тарихий мероси ва салоҳиятини чет элларда тарғиб қилиш ва, шу орқали, Ўзбекистонимизнинг халқаро мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Бу каби илмий тадқиқотлар натижаларини оммалаштириш учун махсус Имом ал-Бухорий нашриётини тузиш ниятидамиз. Мазкур ишнинг аҳамияти яна шу билан белгиланадики, охирги йилларда диний қадриятлар билан боғлиқ китоблар жуда кўп нашриётлар, ҳатто бунга маънавий ва қонуний ҳуқуқлари бўлмаган, илмий-оммалий салоҳияти қониқарсиз «нашриётлар» томонидан амалга оширилмоқда. Натижада, баъзан ҳақиқий диний қадриятларга, соф исломий эътиқодга мувофиқ келмайдиган «асарлар» ҳам чоп этилмоқда. Мазкур аччиқ воқеаликни ҳисобга олиб, биз нашр ишларига чуқур диний ва илмий салоҳиятга эга эътиборли олиму фузалоларни жалб қилиш, диний-маърифий йўналишда содир бўлаётган айрим хатоларни тузатишга ўз ҳиссамизни қўшишни режалаштирганмиз.

Жамғарма фаолияти доирасида бунёд этиладиган қўлёзмалар миллий маркази ҳамда қўлёзма ва тарихий-меъморий ёдгорликлар электрон кутубхонасини яратиш иши катта ҳажмдаги илмий тадқиқотлар билан бир вақтда олиб борилиши тақозо этилади. Уларнинг натижаларини нафақат ўзбек, балки хорижий тилларда ҳам нашр этиб бориш ва оммалаштириш ўзбек халқининг халқаро маданий-маънавий қиёфасини унинг мақомига муносиб тарзда шаклланиб боришига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам амалий-татбиқий жиҳатларига устуворлик бериладиган илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, уларни чуқурлаштириб бориш фонд фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши мантиқийдир.

Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги янги илмий изоҳли таржимаси нашрини амалга ошириш ҳам Жамғармамизнинг муҳим ва хайрли ишларидан бўлади, деб ўйлаймиз.

Ушбу ишлардан кўзланган олий мақсад эса битта. Бу — йўлбошчимизнинг ўзбек халқининг бой ва серқирра илмий-маданий ҳамда маънавий-маърифий меросини ўрганиш, тиклаш ва халқимизга қайтаришга қаратилган эзгу сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этилишига амалий ҳисса қўшишдир. Қолаверса, қадимий маданиятимиз ва тарихимиз тарғиботи орқали Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва мақомини янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга кўмаклашишдир.

— Зоҳидилло ака, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ташкил этилишига жаҳон жамоатчилиги қандай муносабат билдирмоқда?

— Шу йил 14 ноябр куни Анқара тил ва адабиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси, Туркия-Ўзбекистон дўстлик жамияти, Аҳмад Яссавий ҳамда Туркия диёнат фондлари томонидан уюштирилган Имом ал-Бухорийнинг 1225 ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияга тақдим этилган маърузада асосий эътибор буюк аждодларимиз ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ва тиклаш йўлида Ўзбекистонда ўтказилаётган илмий-амалий ва маданий-маънавий тадбирлардан кўзланган мақсадлар ҳамда янги таъсис этилган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси олдига қўйилаётган вазифаларга қаратилди. Жамғармамиз ҳақидаги маълумотлар Туркия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Туркияда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар биз билан қатор йўналишларда ҳамкорлик қилишни таклиф этдилар. Жумладан, Туркия диёнат жамғармасига қарашли «Ислом энциклопедияси» муассасаси томонидан амалга оширилаётган 35 жилдлик турк тилидаги «Ислом Энциклопедияси»нинг янги нашрини ёзишда ўзбекистонлик мутахассислар иштирокини фаоллаштириш истаги билдирилди.

Мусулмон оламининг буюк мутафаккири номи билан тузилган ҳамда инсонпарвар, маърифатпарвар ва тараққийпарвар Ислом ғояларини тарғиб қилишдек улуғ ва эзгу мақсадга хизмат қилажак жамғармага мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги ҳамда расмий доиралари билан бир қаторда, халқаро жамоатчилик ҳам дастлабки кунларданоқ катта эътибор билан қарамоқда. Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тантаналарида Қувайт давлатининг амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ ҳазрати олийлари томонидан Самарқандда бунёд этилган янги ёдгорлик мажмуига хайрия этилган 500000 АҚШ долларига тенг маблағ биринчи хорижий хайрия сифатида жамғарма ҳисобига ўтказилди. Ўйлаймизки, умуммусулмон маданияти дурдоналарини асраб-авайлаш ва тиклашдек эзгу мақсадларга йўналтирилган лойиҳаларимиз келажакда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий ҳомийларнинг эътиборидан четда қолмайди.

Аҳмад Хўжа суҳбатлашди.
(ЎзА).

МАҚСАД — ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З. Мунавваров билан суҳбат

Буюк муҳаддис зиёратгоҳида. Тургунбек МАҲКАМОВ суратга олган.

Хонадон

МЕҲРУ МУҲАББАТ КИТОБИ

(Ислом Шоғуломовнинг «Буни умр дерлар...» асарини ўқиб...)

Оқар дарёнинг ўз салдами, оби равони, сув ости чақир ва харсанг тошлари бўлади. Қудратли, нотинч тўлқинлар таъсири остида қирғоқдан қирғоққа урилиб оқади. Бирда лойқаланади, бирда тиниди. Ислом Шоғуломовнинг «Буни умр дерлар...» китобини мутолаа қилар эканман, мана шу манзара кўз ўнгимда турди.

Муаллиф ўз ҳаётида юз берган воқеаларни ўзи дуч келган мукаррам инсонлар, хеш-акраболар, фарзандлар, ҳамкасаба дўст-ёрон ва устозлар ҳақидаги тотли ва аччиқ, тошдай зил кузатишларини қаламга олади. Ҳаёт, одамгарчилик, меҳр, диёнат, сабр-қаноат, эзгулик, одоб-ахлоқ, сабоқ, сулола, аждодлар билан авлодлар ўртасида ворисийлик ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ёдномани пурмаъно, қизиқарли қилган. «Ҳаётимнинг етмиш лаҳзаси», «Невараларимга мактублар» номли икки қисмдан иборат бу асар бир хонадоннинг «оилавий қомуси» каби таассурот қолдиради.

Хонадон қиблагоҳи, айни вақтда бутун оилага пир, устоз раҳнамо бўлган Шоғулом ота томонидан фарзандларига берилган тўғриликка, инсоф ва диёнатга, одамгарчиликка, эзгуликка йўлловчи бағоят ибратли, соф шарқона тарбия асарда муаллиф томонидан солиҳ фарзандлик мавқеидан туриб тасвирланган ва таъкидланган.

«Оллоҳ раҳмат қилгур падари бузрукворимиз... «ақлни беақлдан ўргангин» деган ўгитни гап орасида кўп қайтарар эдилар. Ҳаётда беақлдардан ақл ўрганган оқилларни ҳам, ақллининг ақлига ақл қўшганидан ўзича мамнун юрган беақлларни ҳам кўп учратганман.

... Эркаги ҳар ишда бош, аёли маъсума, кексалари, заковатли болалари оиладан ташқари қадим Тошкентдек ақл-заковат, инсоф ва орият одоб-ахлоқ ҳукмрон шаҳарда деярли ҳаммадан ўзига керакли нарсаларни ўрганадиган бир муҳитда таваллуд топганман, деб таъсирли ҳикоя қилади муаллиф.

Айни ҳаёт сабоқларидан олинган ва катта-кичик тажрибалари асосида синаб кўрилган бу шарқона фалсафий фикрлар Ислом Шоғуломовнинг равон нутқи, тенкис ва таъсирчан услуби боис жозиб, ишонарли чиққан. Китоб ҳаётий публицистик ва шарқона фалсафий мазмунга эга.

«Бувим биринчи маош олган кунимда: «Қовурилган балиқ, иссиқ нон олиб келсанг, дуо қиламан, барака топасан, бой-бадавлат бўласан болам», деганлари ҳали ҳануз ёдимда. Айтганларини қилдим, деб ёзади муаллиф. Бувим баликдан озгина едилар-да, ҳаққимга дуо қила бошладилар. «Болам пул топишни билган одам уни сарфлашни ҳам билиши керак. Ҳалол меҳнатдан топилган молу давлат савоб ишларга, хонадонимиз фаровонлигига сарфлангани яхши», дедилар дуодан кейин».

Бу шунчаки оддий панднасиҳат эмас, абадият сари авлодларга бир-биридан мерос бўлиб келаётган юксак маънавий ўгит.

Зиёкор катта бунёдкорлик мақсадларига бахшида тинимсиз, ҳордиқсиз, аксар беҳаловат фаолиятининг эллик йилдан зиёдроғини матбаачилик соҳасига бағишлади. Бу касб-кор ва ҳунарни барча сир-асроригача чуқур билади, нозик ҳис этади. Бизга, чеккан азиятларимга фийсабиллоҳ рози бўламан».

Муаллиф ўз умрининг кечмиш фараҳли, нотинч, қутлуғ йилларини сарҳисоб қилиб, ўтган кунларини ёд этиб мазкур хотираларини ёзгани жуда маъқул иш бўлган. Китоб барча учун фойдали. Уни ўқиган ёшлар касб-кор, одамгарчилик тўғрисида кўп нарсаларни ўрганади. Кексалар ҳаётлари давомида амалга оширган азамат ишларини кўнгилдан ўтказадилар. Баҳра оладилар.

Китобда азалий ва адабий бир мавзу: устоз-шогирдчилик хусусида жуда яхши гаплар айтилган.

Китоб маънавий мулк. Неча-неча авлодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган хазина. У билим, тафаккур манбаи. Китоб мутолааси эса кишиларни бахт-саодат сари етаклайди. Ёднома бу борада ўзининг фойдали йўриқ ва тавсияларини беради. Китобхонлик миллат маънавияти юксалишининг зарурий шартидир. Бақувват илдиз отган онгли жамият қуриш учун ҳам халқнинг китобхонлиги чўнг аҳамият касб этиши таъкидланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади.

Ислом Шоғуломов ўзининг қимматли фикрларини баён қилади Шоғуломов отанинг «Одамга ҳамроҳ керак. Дўстнинг асили бошингга оғир мусибат тушганда билинади» деган ҳикматли сўзларини эслайди. Дўст сўзининг маъносига берилган таъриф, одамларнинг қай пайтда дўстликни тўғри англаши ва дўстлик боболардан-оталарга, оталардан-фарзандларга мерос бўлиб давом этадиган абадий анъана эканлигини ҳаётий мисоллар билан ёритади.

«Буни умр дерлар...» Катта умр йўлини босиб ўтаётган зоти шарифларнинг ҳаёти эса ибратли, ҳикматга арзирли тажрибаларга бой бўлади. Китобда неча асрлик ҳаёт синовларидан ўтган ўгитлар шарқона удум, одоб намуналари кўп учрайди. Асар бир томондан завқ-шавқ ва гоҳо ўйчан, маҳзун кайфият билан ўқилади. Иккинчи томондан, муаллифнинг дунёқараши, мушоҳадаси, тафаккури кенглиги, ҳаётни қандай бўлса шундайлигича, барча фараҳли, гўзал ва фожи жиҳатлари билан чуқур англаб, ундан ўзига хос (айнан: ўзига хос, баъзан, фавқулодда ғалат!) хулосалар чиқара олишидан далолат беради.

Муаллиф ёзади:

● Мақтов одамни ўлдиради

● Бу дунёда борига қаноат қилиб, йўғига сабр қилмоқ зарур экан.

● Пешонада бўлса орзу-ҳаваслар вақти-соати билан кушойиш бўларкан.

● Минг қўйи бор ота-боласидан жилла қурса битта қўй кутади. Минг тиллалик она боласидан бир мисқол бўлсаям совға кутади.

● Отанинг уйида қоп-қоп уни, дастурхони тўкин бўлсин, бари-бир боласидан икки дона иссиқ нон кутади. Гап қўйдаяммас, олтин — даяммас, нондаяммас, гап меҳр-оқибатда. Ана шуларнинг тагида ота-онага иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ётади. Ота-она фарзанди олиб келган қимматли озиқ-овқат, кийимликларни эмас, чиройдек ёнган меҳр-оқибатни кўради. Олиб келибдими, илинибдими, ўзидан ортибдими, демак болам менга оқибатли экан деб суюнади. Меҳр-муҳаббатим бор экан, дейди. Чунки инсон ош-овқат билангина катта бўлмайди, меҳр-муҳаббат туфайли ўсиб улғаяди. Меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат бўлмаса инсоннинг ҳайвондан фарқи қолмайди...

Яна баъзи кузатишлар:

● Киши ўзининг заиф томонларини нечоғлик англаб борса, бошқаларнинг афзаллик жиҳатларини ҳам теран англайди.

● Инсон исмига тортади.

● Исломда, мусулмончиликда сохта нарса йўқ. Барчаси ҳам илмий, ҳам амалий томондан тўла-тўкис баркамол яратилган. Чунки улар Оллоҳнинг қаломи Қуръонга асосланган;..

Ёдномани ўқиган китобхон унинг саҳифаларини мутолаа қилиб, муаллиф билан бирга қулиши, йиғлаши, кўнгли таскин топиши, хомуш тортиши, хўрсиниши, мийиғида жилмайиши, ачиниши, нафратланиши, ташвишланиши нақд. Бу китобни бир хил ҳолатда ўқиб бўлмайди. Сабаби, унда шундай воқеалар қаламга олинадики, улар китобхоннинг лоқайд бўлишига изн бермайди.

Ҳа, бу китоб оила йилига муносиб туҳфа.

У умум маънода қараганда оддий умр хотираларини ўз ичига олган бир ёдномадек туюлади. Аслида унга чуқурроқ ёндошилса эса: ҳаётий назарий бир дарслик, ноширлик ва матбаачилик бўйича йирик қўлланма, шарқ фалсафасини ўзида мужассамлаштирган миллий маънавият китоби, раҳбаршунослик илми бўйича рисола, касбга меҳр уйғотувчи қўлланма ҳам эканлиги маълум бўлади.

Ҳа, оила йилига муносиб туҳфа бўлмиш бу китоб ёшлар учун, ота-оналар, фарзандлар, бобо ва момолар, келин-куёвлар, матбаачилик, ноширлар, қалам аҳли, хўжалик ҳамда жамоаларнинг раҳбарлари маънавиятчилар, ёзувчилар, иқтисодчилар, тадбиркорлар учун ибратли ҳаёт дарслиги.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ходими.

Сабо, еткур саломимни

Ассалому алайкум ҳурматли ва қимматли Гулзора опа, Соғлиқларингиз яхшими? Оила аъзоларингиз-барчаларингиз соғ-саломат юриб сизларми? Гулзора опа, «Миллий тикланиш» газетасининг 1998 йил 10 ноябр — сонидаги сиз ҳақингиздаги ва ижодингиз ҳусусидаги журналист Дилфуза Камолнинг мақоласини ўқибзуда хурсанд бўлдим. Мен ўзимни мусофирдек ҳис қилар эдим, ўз ҳамюртимни кўрганимдан, беҳад мамнунман. Шоир Мусо Жалилнинг «Юртдан кетдим — юртни, сени деб. Мен курашдим қонли ҳар дамда. Юртни, сени қўлимдан берсам, нима қолур менга оламда?» деган ажойиб сатрлари бор... Юртини севса-ю, уни ташлаб кетишга тўғри келса... Ажойиб ва гўзал туйғуларни ҳис қилсаю, бу туйғуларни қаёқлардир бориб тасдиқлатиб келиш лозим бўлса...

Мен ажойиб ва гўзал манзараларни кузатганман. Бундан ташқари ҳар доим ажойиб тематик картиналар хаёлимда яшайди, қани энди имкони бўлса чизмоқни... Шу ўринда, ушбу ажойиб сатрлар ҳаёлимга келади:

Хум ичидан неча йил
Хун бўлмоқ эркан қисмати,
Лабларингга етди ахир

ҚИШЛОҚИМДАН ХАБАР КЕЛТИРГАНДЕК БЎЛДИ

Бир пиёла қон узум,
Бир қадаҳ гулгун шароб
Тутдим сенга, бир хўпламинг
Толеимдан воладурман
бахтидан ҳайрон узум,
Эй дилором, сенга эркин
Тутди майдек шеърини,



Дил хумида неча йил
Қон бўлди бу девон узум.

Хуллас «Миллий тикланиш» газетаси қишлоқларимиздан хабар келтирган сабодек бўлди.

— Сабо еткур саломимни —

Гулзора опа. Хатим ҳам поёнига етмоқда. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман. Вақтингиз бўлса ва йўлингиз тушса, институт ётоқхонасининг 16-хонасига марҳамат қилинг, деб укангиз Муҳаммадшариф РАШИДОВ.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Бадиий кулолчилик бўлимининг 2 курс талабаси.

Тошкент шаҳри

«МТ»нинг фидокор ва хумори ўқувчиси Муҳаммадшариф бу илтифотли хатига шу суратни ҳам илова этган ва унинг орқасига дастхат битган:

Бу дунёки менинг
кўнглим ярим этди,
Ярми билан куйласам
ҳам, олам тўлар...
Ўзга юртда ўз
юртингни эслаб
тургин.

Самимий ҳазил.

Акс садо

ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

Муҳтарам «МТ» таҳририяти! Газетангизнинг 36-сонида эълон қилинган журналист Холли Норбоевнинг «Айб фақат, тирикчиликдами?» сарлавҳали мақоласини ўқиб ўтириб, рости бошим айланиб кетди. Олис ёшлик йилларим ёдимга тушди.

Ўзингиз яхши биласиз, бизнинг студентлик йилларимиз Тошкент зилзиласи рўй берган йилларга тўғри келган. «Қурувчи студентлар отрядлари» деб номланган уюшмалар ўшанда ташкил бўлган. «Ўзбекистон», «Россия» меҳмонхоналари қурилишида иштирок этганимиздан фахрланиб юрамиз. Лекин булар ўз йўлига, гап бошқа ёқда.

Мардикорлик — айб саналмайдиган иш менинг назаримда. Фақат унинг атамаси бироз ғализроқ. Иш ахтариб бориб, ўзига лойиқ хизмат топиб, бировнинг ҳожатини чиқариб, эҳтиёжи учун пул топса ёмонми? У ўғирлик қилмаяпти, бировни товлаб кетмаяпти. Айрим «тадбиркор»ларга ўхшаб ҳаром пул топмаяпти. Жиноят кўчасини четлаб ўтиб, меҳнати, маҳорати, касб-ҳунари ортидан ҳалол пул топаяпти. Бундайларга таҳсин айтсак арзийди.

«Студентлик олтин даврим» деган ибора бизнинг давримизда илк бор ишлатилган. Баъзи дўстларимиз уни бошқа томонга бурибми ҳам ифода этишган. Лекин ўша даврнинг «олтин»лигини ўқишни тамомлаб, катта ҳаёт чиғириқларидан ўтиб юрганингизда ҳис қилар экансиз. Айнан ўша дамларда ўз ташвишларингизга берилиб, қувноқ дамлар ўтиб кетганлигини билмасдан қолар экансиз. Курсдошларимни, ҳамхоналаримни учратиб қолганимда ўша Тошкент зилзиласини эслаб қўямиз. Бир тийин ҳам пулимиз қолмаганида мардикор бозорига борганимиз, темир йўл бўйларидаги омборхоналарга бориб, вагон бўшатган онларимиз кўп бўлганини истаб-истамай хотирлаймиз. Ва ниҳоят шунчалик қийинчиликларни бошдан кечирсакда, ўқишни ташлаб келмаганлигимизга қойил ҳам қолиб қўямиз.

Мақолада «Демак, жойларда аҳолини иш билан таъминлаш яхши эмас» деган фикр бор. Бу тўғри, бироқ ҳақиқатда қани ўша ойлик-маошни вақтида бериб турадиган иш?

Мен жуда кўп ёшларни биламан. Билагида куч қайнаб турибди. Лекин иш йўқлигидан қоронғу тушиши билан бир ерга тўпланиб олиб, ярим тунгача бекорга гап сотишади.

— Бирор ердан иш топмадингларми? — деб ҳар-ҳар замонда сўраб қўяман.

— Иш қайда, бирор ердан иш гаплашиб беринг, тоға? Сизнинг танишларингиз кўп.

— Танишлар... Уларнинг ўзи «банкрот»га учраб ётибди-ю, иш топиб беришармиди? Яхшиси Тошкентгами, Қўқонгами бориб, иш топиб ишланглар, дейман.

— Шу ўринда пойтахтга бориб арава тортиб, пул ишлаётган, кимнингдир деворини тиклаб, уйини қуриб бериб, оиласи учун даромад топиб келаётган ёшларга ҳавасим келади. Чўлга эски чопон билан бориб, машина миниб келаётган деҳқон болаларга офарин дегим келади. Илмда «инқилоб» ясамасалар-да, умрларини беҳуда ўтказмаётган ҳамқишлоқларим борлигидан қувонаман. Мана, сизга бир мисол. Қўшнимнинг хотини далага чиқмай қўйди.

— Ишни бас қилдингизми, қўшни, деб сўрадим бир куни ундан.

— Э, тоға, пул бермаса далада нима бор? — деди у. — Дадам соғин сигирини берди. Иккита совлиқ қўй сотиб олдик. Ўнта товуғим бу йил ўттизта бўлди. Ҳар бозор юзта тухум, 3-4 банкада қаймоқ, 10-15 кило қатиқ олиб бориб сотаман. Рўзғоримизга етиб турибди. Укангизни топиб келганини қўшиб ҳисобласам 10-15 минг сўм пул рўзғорга келиб тушаяпти. Бировдан қарзимиз йўқ. Рўзғоримиз бут.

— Энди ишламайсизми?

— Йўғ-э, ишлаймиз, сал ўзимизни тиклаб олайлик, ҳали ёшмиз-ку.

— Яшанг, кам бўлманг.

Мана, сизга ҳаёт фалсафаси. Уйда ўтириб ҳам пул топса, бўларкан-ку. Нега баъзи бир оилалар бу тўғрида ўйлаб кўришмайди. Газетанинг шу сонида эълон қилинган талаба Шерали Нишоновнинг фикрлари менга кўп маъқул бўлди. Дарҳақиқат, обуна масаласи ўйлаб кўрадиган иш. Менимча, газета-журналларга келгуси йил учун обуна қиладиган ишларни йилнинг иккинчи ярмидан — июл ойидан бошлаш керак. Чунки бу пайтда кўп бўлмаса ҳам одамларда пул бўлади. Зеро, ёз тўкин-сочинлик фасли. Йил охирлаб борган сари эса тўловлар кўпайиб кетади: газга, чироққа, сувга, ерга, уй-жойга, радиога ва ҳоказо. Биласиз, қишлоқда бир сўм ҳам пул. Бу тўловлар устига обуна ҳам тиқиштирилса...

Хуллас, тирикчилик фаровон яшаш учун қилинаётган меҳнатнинг (шаклидан қатъий назар) айби йўқ. Албатта жиноят йўли билан эмас. Мамлакатимиз бойлар мамлакати эмас. У эндигина етти ёшга тўлди. Ҳали ўша фаровон кунлар ҳам келар. Унда ҳеч ким ҳеч кимга муҳтож бўлмайди. Лекин биз меҳнаткаш юрт фарзандларимиз. Қонимизда меҳнат қилиш ҳисси барқарор экан, уни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ деб ўйлайман. Нима дедингиз?

Хурмат билан
Тўхтасин
МИРЗАРАҲМАТОВ,
истеъфодаги милиция подполковниги

ФАРҒОНА.

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ

Олмониялик олимлар гўдакка аввалига сунъий кейин донор юрагини ўрнатдилар.

1996 йил июнида дунёга келган Сарани тамомила соғлом деб ҳисоблашарди. Аммо бир неча ҳафта ўтгач, врачлар унинг юрак мушаклари фавқулодда секин ишлаётганини кузатишга муваффақ бўлдилар. Бу эса уларни ноёб тадқиқот ўтказишга ундади. Мюнстер университети қошидаги болалар кардиологияси касалхонаси мутахассислари донорнинг юраги топилгунча Сарага сунъий юрак ўрнатишга қарор қилдилар. Икки хафтадан кейин эса Сара грек ёнғоғи катталигидаги донор юрагига эга бўлди. Олти соат давом этган операция муваффақиятли якунланди. Мюнстерлик врачлар Саранинг маълум вақт ўтгач, ўз тенгдошлари каби ўзини яхши ҳис этиб, чопқиллаб кетишига ишонч билдирмоқдалар.

КОМПЬЮТЕР ҲАРФЛАРНИ ТОВУШГА АЙЛАНТИРАДИ

Шу пайтгача нутқ инсонгагина хос эди. Эндиликда компьютер ҳам гаплаша олади. Олмониялик олимлар ҳарфларни товушга айлантириб берувчи сунъий нутқий сигналларни ўзида мужассамлаштирган махсус дастур ишлаб чиқдилар. Кредит карточкаси катталигидаги «вюриз корд» номли дастур ёрдамида исталган матн нутққа айлантирилади. Шундай қилиб, соқовлар ҳам энди «гапира олади». Унча катта бўлмаган қурилмада матн терилади ва тугмани босиш билан керакли сўз талаффуз этилади. Бу дастур бошқа тилга осон мослашади. Ҳозирданоқ ушбу янгилик инглиз, чех ва хитой тилига тадбиқ этилмоқда.

(«Дойчланд», Германия)

Қиш тақвими

(1998—99/1418)

Йилнинг энг узун туни бўлмиш Ялдода куз тугайди. Ялдонинг эртасидан қишнинг биринчи куни бошланади. Демак Қавснинг ўттизидан Жадйнинг биринчисига ўтар кечаси ялдодир. Қиш ойлари Жадй, Далв ва Қавсдир. Буларнинг Эронча номи Дай, Баҳман ва Исфанд. Туркияда Декабр «Оралиқ», Январ «Ўчақ», Феврал «Шубот» деб аталади. «Март»да ўзгариш йўқ. Жорий 1377-йил қишининг ойу кунлари қуйидагича (чизиқдан сўнг мелодий берилди, д-Декбар, я-Январ, ф-Феврал, м-Март):

Жадй

Шанба	5-26д	12-2я	19-9я	26-16я
Якшанба	6-27д	13-3я	20-10я	27-17я
Душанба	7-28д	14-4я	21-11я	28-18я
Сешанба	1-22д	8-29д	15-5я	22-12я	29-19я
Чоршанба	2-23д	9-30д	16-6я	23-13я	30-20я
Пайшанба	3-24д	10-31д	17-7я	24-14я	
Жума	4-25д	11-1я	18-8я	25-15я	

Далв

Шанба		3-23я	10-30я	17-6ф	24-13ф
Якшанба		4-24я	11-31я	18-7ф	25-14ф
Душанба		5-25я	12-1ф	19-8ф	26-15ф
Сешанба		6-26я	13-2ф	20-9ф	27-16ф
Чоршанба		14-3ф	21-10ф	28-17ф	
Пайшанба	1-21я	8-28я	15-4ф	22-11ф	29-18ф
Жума	2-22я	9-29я	16-5ф	23-12ф	30-19ф

Хут

Шанба	1-20ф	8-27ф	15-6м	22-13м	29-20м
Якшанба	2-21ф	9-28ф	16-7м	23-14м	
Душанба	3-22ф	10-1м	17-8м	24-15м	
Сешанба	4-23ф	11-2м	18-9м	25-16м	
Чоршанба	5-24ф	12-3м	19-10м	26-17м	
Пайшанба	6-25ф	13-4м	20-11м	27-18м	
Жума	7-26ф	14-5м	21-12м	28-19м	

Тузувчи: Алийбег РУСТАМИЙ

ҚОР СОҒИНЧИ

ЙЎРН ТИДЕ: ИССИҚХОНАДА ИССИҚРОҚ КИЙИНГАН МАЪҚУЛ

Кўпгина об-ҳаво мутахассислари фикрича, яқин 100 йилликда дунё иқлими яна 2 градусга исийди. Йорн Тиде эса бошқача фикрда. Бремерхафендаги Альфред Вегенер номидаги океанология ва минтақавий тадқиқотлар институти директори «биз яна муз даврига кириб бормоқдамиз» деган хулосага келди.

Ер шарида қачон иқлим шундай совуб кетиши ҳали аниқ эмас. Иқлимнинг табиий ривожланиши юз берадими? — Ҳамма гап мана шунда, — дейди Тиде. Бўлажак палеонтолог сифатида у денгиз билан боғлиқликда иқлим тарихини қайта тиклаш ниятида. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, бундан 10000 йил олдин, яъни иқлимнинг ҳозирги иссиқлик даври бошланганда иссиқсевар организмлар шимолий денгизни забт этдилар. «Уларнинг сони максимал 5000 йил олдин юқори даражага етди. Ва шундан бери тобора камайиб бормоқда».

Кўпгина олимларнинг фикрича, ер юзининг янги совиб кетиши 10 минг йилликлардан кейин бошланади. Йорн Тиде бунга асло қўшилмайди:

«Янги муз даври бир неча минг йилликлардан, балки аср — асрлардан кейин бошланиши мумкин...»

(«Шпигел»)
Отажон ПОЛВОНОВ
таржималари

АФСОНАВИЙ «ТИТАНИК»

«Титаник» экспедицияси: «Титаник» қолдиқларидан топилган 600 та топилма — борт иллюминаторидан аёллар сумкасигача. Ҳамбургдаги афсонавий кўргазма.

Мана 85 йилдирки, «Титаник» кемаси Атлантика океани қаърида инсониятга тинчлик бермасдан ётибди. Айсберг билан тўқнашув океан кемасини мифга, инсониятнинг машъум тарихига айлантирди. «Титаник»нинг ҳалокати 1912 йил 15 апрелда юз берди ва 1495 инсон ҳаётини ўзи билан бирга кетди. Унинг қолдиқлари эса 1985 йилда 3800 м чуқурликдан топилди. Ҳозир Ҳамбургдаги кўргазмада «Титаник» экспедициясининг ишлари намойиш қилинмоқда. Биринчи маротаба бу кўргазмада кема қолдиқлари орасидан топилган 600 та турли ашёларни томоша қилиш мумкин. Кўргазма 9 ноябргача ўз ишини давом эттиради.

(«Дойчланд»)

Газетанинг навбатдаги сони 15 декабрда чиқади.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0628.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.